


Муфтий
Нуриддин домла ХОЛИҚНАЗАРОВ

ИСЛОМДА ВАТАН ТУШУНЧАСИ

*(Диний-маърифий,
ижтимоий талқин)*



Тошкент – 2022

КБК 86.38

УЎК 28:177

X 72

Муфтий Нуриддин домла Холиқназаров Ислонда
ватан тушунчаси [Матн] / Муфтий Нуриддин домла
Холиқназаров. – Тошкент: «Shamsuddinxon Boboxonov»,
2022. – 160 б.

Ватан дин, миллат, элат, бойлик, насаб, ёш, ранг,
жой танламайдиган ва ҳад-чегара билмас ажиб бир
туйғу. Ватан – энг кўп қаламга олинган, сир-синоатли,
серқирра ва сержило тушунчадир. Ватани бор инсон
бахтли инсондир. Ватани йўқ инсон эса бахтсиз ин-
сондир. Киндик қонимиз тўкилган ва бир умр яшай-
диган юртимиз бизга тақдир қилинган ватандир.
Мусофир бўлмагунча ватан ва юрт қадр-қимматини
англаб бўлмайди.

Мазкур китобда муфтий ҳазратлари Нуриддин
домла Холиқназаровнинг Ватанга бўлган муҳаббат,
уни ардоқлаш ва ободу фаровон кўриш борасидаги
фикр-мулоҳазалари ўрин олган. Бу эса кенг китобхон-
ларни ҳам бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

Масъул муҳаррирлар:

Ҳомиджон БАҲРОМ ўғли,
Комилжон РАҲИМЖОН ўғли

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил
13 апрелдаги 03-07/2679-сонли хулосаси асосида нашр-
га тайёрланди.

ISBN 978-9943-12-672-5

© Н.Холиқназаров, 2022

© “Shamsuddinxon Boboxonov” NMIU, 2022



**Янги Ўзбекистонда ёш авлод-
ни жисмоний ва маънавий соғлом,
она Ватанга фидойи ва жонкуяр
инсонлар бўлиб улғайиши, шонли
тарихимиздан ибрат олиб, ундан
фахрланиб яшашлари учун барча
куч ва имкониятимизни тўлиқ
сафарбар этамиз.**

***Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти***



* * *

**«Аллоҳ таоло yurtларни Ватан
муҳаббати ила обод қилур».**

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу

* * *

**«Она Ватанни севиш туфайли дунё
обод бўлур».**

Ҳазрати Али розияллоҳу анҳу

МУҚАДДИМА

Ватан...

Ватан!

Ватан – Одам алайҳиссалом биринчи қадам қўйган тупроқ, зурриётлари то қиёматга қадар истиқомат қилувчи мўътабар замин.

Ватан – нафақат инсон, балки бутун мавжудот – тирик жон учун ўзига хос қўним топадиган маскан. Ватан – дин, миллат, элат, бойлик, насаб, ёш, ранг, жой танламайдиган, чегараси кўринмас ажиб бир туйғу. Ватан – энг кўп қаламга олинган, сир-синоатли, серқирра, сержило гўша. Ватани бор инсон, бахтли инсондир. Ватани йўқ инсон эса, бахтсиз инсондир.

Ким Ватан тушунчасини яхши англаб етмас экан, унинг бағрида яшашидан маъно йўқдир. Шунга кўра, Ватанни билмаган кас, таъбир жоиз бўлса, ҳайвондан ҳам, паррандадан ҳам, ҳашаротдан ҳам тубан ҳисобланар экан. Ватан яхши ва ёмон кунларни хотирага муҳр-

ловчи, инсоннинг қадр-қимматини ўлчаб берувчи ҳаёт мактабидир.

Ватанга бўлган муҳаббат қўлга қалам олишга ундади. Натижада, камтарона уринишлар самараси ўлароқ, кичик бир рисола дунёга келди. Балки шунча ўткир, аҳамиятли, зарур, долзарб, муаммоли масалалар қолиб, оддий бир мавзуга қўл урилибди, дерсиз. Йўқ-йўқ! Хулоса чиқаришга шошилманг! Инкор ҳам қилмай туринг! Машҳур қоидада: **«Бир нарсани билмаслик ўша нарсанинг йўқлигига далил бўла олмайди»**, **«Инкор қилиш тушунишдан кейин бўлади»**, дейилади.

Мавзу долзарб. Бунни изоҳлаш учун замондош олимлардан бирининг холисона айтган фикрини келтириш етарли: “Бугунги кунда бўлаётган тўс-тўполонлар, уруш-жанжаллар, ноҳақ қон тўкилиши, нотинчлик ҳамда обод жойларнинг вайрон этилишидаги энг катта ва асосий сабаб одамларда Ватанга бўлган муҳаббатнинг етишмаслигидир”, деган эди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ОАВда дунёда бўлаётган хуружлар ҳақидаги ха-

барлар бериб борилмоқда. Унда муқаддас динимиздаги мўътабар тушунчаларни бузиб талқин қилиш оқибатида мана шу каби ҳолатлар кузатилаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Шиддат билан кечаётган бугунги асрда бузғунчи ғояларни тарқатиб, тинч юртларни вайрон қилаётганларнинг борлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Нима эмиш, гўё Ислом динида Ватан тушунчаси ҳақида бирор сўз айтилмаган, қийматсиз оддий бир сўз экан.

Ана ўша пуч ва ҳеч қандай далилга эга бўлмаган ғоялар гирдобига тушиб қолиб, Ватанига, халқига, оиласига, керак бўлса, ота-онасига қарши чиқаётган, ҳозирги замон таъбири билан айтганда, ватанфурушлик қилаётган ғаламисларнинг борлиги ачинарли ҳолат, албатта. Улар қилаётган разолатлар асосида Ватан тушунчасини яхши англаб етмаслик турибди десак, хато қилмаган бўламиз.

Мен уларнинг бу сўзлари ёлғон, қуруқ, асоссиз, оддий сўзлар эканига даъво қиламан. Сўзимни исботлаш учун **«Далилни даъвогар келтиради»** қондасига мувофиқ тўплаган далил ва ҳуж-

жатларимни келтираман. Китобнинг ёзилиш сабаби ҳам айнан шу. Кўча-кўйда тўғри келган одамга Ватан ҳақида савол берилса, жўшиб жавоб қайтариш ўрнига ё елка қисиши, ёки жўяли жавоб бера олмаслиги ҳам оқлаб бўлмайдиган ҳолатдир.

Хужжатул ислом Шайх Муҳаммад Ғаззолий раҳматуллоҳи алайҳ бундай деганлар: «Башарият ўз ерини ундаги нарсалари билан, гарчи у ҳеч ким яшамайдиган чўл бўлса ҳам яхши кўраверади. Ватанни севиш – юракка сингиб кетган, инсонни унда бўлганида хотиржам, йироқ кетганида талпинадиган, хужум қилинганида асрайдиган ва камситилганида ғазабланадиган қилиб қўювчи туйғудир».

Хўш, Ватан тушунчаси диний нуқтаи назардан қандай ифода этилади? Ватан ўзи нима? Унинг таърифи қандай? Динимизда бу борада нималар дейилган?

Қуйида шу каби саволларга жавоб берамиз.



БИРИНЧИ БОБ



9

ВАТАН ҲАҚИДАГИ ТУШУНЧА ВА ВАТАНГА БЎЛГАН МУҲАББАТ

- “Ватан” сўзининг луғавий маъноси
- “Ватан” сўзининг истилоҳдаги маъноси
- Муҳаббатнинг таърифи
- Қуръони каримда Ватан тушунчаси
- Ҳадиси шарифда Ватан тушунчаси
- Ватанни севиш ва унга ошиқишнинг ҳукми
- Пайғамбарлар таъбирида Ватан тушунчаси
- Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таъбирларида Ватан тушунчаси
- Саҳобалар таъбирида Ватан тушунчаси
- Фақиҳлар таъбирида Ватан тушунчаси
- Авлиёлар таъбирида Ватан тушунчаси
- Ислom уламолари таъбирида Ватан тушунчаси

- Дунё олимлари таъбирида Ватан тушунчаси
- Ҳукамоларнинг Ватан ҳақида айтган гаплари
- Подшоҳлар таъбирида Ватан тушунчаси
- Табиблар таъбирида Ватан тушунчаси
- Аёллар таъбирида Ватан тушунчаси
- Саҳро одамлари таъбирида Ватан тушунчаси
- Дунё халқлари Ватан ҳақида

“Ватан” сўзининг луғавий маъноси

“Ватан” арабча сўз бўлгани учун унинг асл маъносини билишда мўътабар араб луғатлари ҳамда замонавий қомусларга мурожаат қилинди. Бу борада “Лисанул араб”, “Мухторус сиҳоҳ”, “Ал-муҳит фил-луға”, “Таҳзибул луғот” ва “Ал-мўъжам ал-васит” каби машҳур луғат китоблари асос қилиб олинди. Бу қомусларнинг барчасида В,Т,Н моддаси остида “Ватан” сўзига деярли бир хил изоҳ берилган. “Ватан” сўзи: “Инсон у ерда хоҳ туғилган, хоҳ туғилмаган бўлсин, истиқомат қиладиган ва маскан тутган ер” сифатида ифодаланган.

Луғавий маъноларни синчиклаб ўрганиш жараёнида қизиқ бир ҳолатга гувоҳ бўлдим. Бошқа миллатларнинг “Ватан” сўзи луғатда бошқа маъноларни ифода этиб, зарурат юзасидан унинг ўрнига ишлатилар экан. “Она Ватан” – “асл Ватан”, “туғилган ер” маъносида ишлатилади.

“Ватан” сўзининг истилоҳдаги маъноси

Баъзилар Ватанга “Инсоннинг киндик қони тўкилган жой”, деб таъриф беради. Таъриф тўғри, лекин, тўлақонли, мукаммал эмас. Чунки ҳаётда бир жойда туғилиб, бошқа ерни Ватан қилганлар ҳам йўқ эмас. “Ватан” сўзининг олдинлари урфда бўлган истилоҳий таърифи бугунги кун урфидаги истилоҳий таърифига унчалик мос келмайди.

“Ватан” сўзининг олдинги ва ҳозирги истилоҳий маънолари бир-биридан катта фарқ қилади. Биз бу фарқларни мавзудан четга чиқмаслик мақсадида баҳс қилмадик-да, унинг ўрнига барча истилоҳий таърифларни жамлаб, қуйидаги тўлдирувчи хулосага келишни ўринли деб топдик. Унга кўра, “бир жамоа инсонлар унинг фуқаролигини олиб, хоҳ у ерда туғилган ёки туғилмаган бўлсин, унга мансуб бўлиб, мустақил, жамоавий тарзда яшайдиган, ўз чегарасига эга Давлатга “Ватан” деб айтилади”.

Муҳаббатнинг таърифи

Муҳаббат – адоватнинг аксидир. Бу бир киши ёки нарсани севиш, унга қаттиқ боғланиш ҳисси демакдир. Муҳаббатга ҳамма ҳар хил таъриф берган. Улар орасида Роғиб Асфаҳоний раҳматуллоҳи алайҳнинг¹ таърифи машхурроқ. Муҳаббат истилоҳда: “Кўрган нарсага хоҳиш қилиш ва уни яхши деб ўйлаш”, деганидир. Муҳибнинг одати муҳаббат қилган нарса ёки инсонга тегишли бўлган ҳамма нарсани яхши кўради.

*Уйининг деворларин ўпаман,
Лайлонинг диёридан ўтганда.
Дилдан урмаган диёрлар ишқи,
Унда турганлар ишқи бор манда.*

Хулоса қилсак, муҳаббат – нозик туй-

¹ Роғиб Асфаҳоний. Тўлиқ исми: Ҳусайн ибн Муҳаммад Абулқосим Асфаҳоний. Роғиб номи билан машхур. Туғилган йили ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Асли Асфаҳондан. Бағдодда истиқомат қилган. 1108 йили вафот этган. Адабиёт, тафсир ва балоғат ҳақида бир қанча китоблар ёзган. Имом Ғаззолийга ҳамаср бўлган. Асарлари: “Муҳозаротул удабо”, “Ал-ахлоқ”, “Жомеъут тафосир”, “Ал-муфрадот фи ғарибил Қуръон” ва бошқалар.

ғу. У ўзидан-ўзи пайдо бўлиб қолмайди. Муҳаббатни пайдо қилиш учун, аввало, хоҳиш ва ирода бўлиши ва уни яхши деб баҳолай оладиган салоҳият ҳам керак. Шунинг учун Ватан муҳаббати тилда эмас, амалда кўринадиган туйғудир, дейилади.

Муҳаббат бирга яшайдиган кишиларгина тушунадиган жонли тажрибадир.

Қуръони каримда Ватан тушунчаси

Қуръони каримда “Ватан” сўзи (“ўрин”, “жой” маъносида) бир ерда келган:

لَقَدْ نَصَرَكُمُ اللَّهُ فِي مَوَاطِنَ كَثِيرَةٍ

“Батаҳқиқ, Аллоҳ сизларга кўп жойларда нусрат берди...”²

Тўғри, бу сўз биз ўрганаётган ватан маъносини тўла англатмайди. Бироқ Қуръони каримда ватан ҳақида бирор оғиз сўз айтилмаган экан, дейиш нотўғри. Чунки Каломи шарифда инсон-

² Тавба сураси, 25-оят.

нинг турар манзили – ватанини: ҳовли, қишлоқ, шаҳар, диёр ва ер кўринишида зикр қилган. Инсон дунёга келаркан мана шу жойларнинг бирида бешак кўним топиб, уларни Ватан тутиб ҳаёт кечиради.

وَلَوْ أَنَّا كَتَبْنَا عَلَيْهِمْ أَنِ اقْتُلُوا أَنْفُسَكُمْ أَوِ اخْرَجُوا مِنْ دِيَارِكُمْ

“Агар Биз уларга ўзларингизни ўлдириш ёки ўзингизни диёрларингиздан чиқаринг, деб фарз қилганимизда...”³

Имом Фахриддин Розий⁴ раҳматуллоҳи алайҳ ўзининг “Ат-тафсир ал-ка-

³ Нисо сураси, 66-оят.

⁴ Фахриддин Розий. Тўлиқ исми: Муҳаммад ибн Умар ибн Ҳасан ибн Ҳусайн Таймий Бикрий Шофеий. Кунyasi: Абу Абдуллоҳ. Милодий 1150, ҳижрий 544 йили Рай шаҳрида Рамазон ойининг 25-куни туғилган. Машҳур муфассир. Ибнул Хатиб номи билан машҳур. Ақлий ва нақлий илмларда моҳир бўлган. Қурайш наслидан. Асли Табаристондан. Ёзган китоблари: “Мафатихул ғайб”, “Лавамиъул баййинат фи шарҳи асмаиллаҳи таъала вас сифат”, “Маъалиму усулид дин” ва бошқалар. Милодий 1210, ҳижрий 606 йил Ҳиротда вафот этган. Қабри Ҳиротнинг Муздахон қишлоғида.

бир” китоби оят тафсирида: “Аллоҳ таоло Ватандан айрилишни инсон ўзини ўзи ўлдиришига тенглаштирмоқда”, деган.

Аллоҳ таоло бу билан фаразан: “Мен уларга жуда қийин икки ишни бажаришни фарз қилганимда, итоат этмаган бўлардилар”, демоқда. Жуда қийин икки иш: жонни ўлдириш ва Ватандан айрилиш. Тарозининг бир палласида жонни ўлдириш оғирлиги турса, кейинги палласида унга баробар Ватандан айрилиқ турар экан.

Оқил инсонлар фикрича, Ватандан айрилиш жуда қийин, унинг алами жонни ўлдириш аламига тенг келадиган ишдир. Бу эса Ватанга боғланиш ва унга муҳаббат кўйиш қалбга чуқур ўрнашган иш эканини кўрсатади.

Абу Ҳайён⁵ раҳматуллоҳи алайҳ “Таф-

⁵ Абу Ҳайён. Тўлиқ исми: Асируддин Муҳаммад ибн Юсуф ибн Али ибн Юсуф ибн Ҳайён Ғарнотий Андалусий. Милодий 1256, ҳижрий 654 йилда туғилиб, милодий 1344, ҳижрий 745 йилда вафот этган. Тафсир, ҳадис ва таржима соҳаларида моҳир бўлган. Кейинчалик Қоҳира шаҳрига кўчиб ўтган ва ана шу жойда вафот этган. Ёзган китоблари: “Ал-баҳр ал-муҳит” (тафсир китоби), “Ан-наҳр” (“Ал-баҳр” тафсирини мухтасари), “Мажонийул аср” (Замондош олимлар таржимаи ҳоллари ҳақида) ва бошқалар.

сирул баҳрил муҳит” китобида: “Оятда диёр – ватандан чиқиш қийинлигига далил бор. Чунки Аллоҳ таоло уни жонни ўлдиришга тенглаштирган”, деган.

Ваҳба Зухайлий⁶ раҳматуллоҳи алайҳ “Тафсирул мунир” китобида: “Аллоҳ таолонинг **“..ўзингизни диёрларингиздан чиқаринг..”** сўзида Ватанни севиш, инсоннинг унга қаттиқ боғланиши, (ундан чиқариш) жонни ўлдиришга тенг, тарк этиш қийин иш эканлигига ишора бор”, дейди.

Олим ўзининг “Тафсирул васийт” китобида эса: “Аллоҳ таолонинг **“..ўзингиз-**

⁶ Ваҳба ибн Мустафо Зухайлий. У 1932 йили Дамашқнинг Дайр-Атийя шаҳарчасида дунёга келди ва бошланғич таълимни туғилган еридаги мактабда олди. Кейин Дамашқдаги академик лицейни аъло баҳога битирди. Сўнгра таҳсилни Азҳари шарифнинг шариат факультетида давом эттирди. Уни 1956 йил аъло баҳо билан битириб, дипломни қўлга киритди. 1959 йил Қоҳира университетининг ҳуқуқ факультетида магистирлик дипломини қўлга киритди. 1963 йилда Ислом шариати бўйича докторлик дипломини олди. Ваҳба Зухайлий кўплаб китоб ва мақолалар муаллифидир. “Ал-фикҳул исламийю ва адиллатуху”, “Тафсирул мунир”, унинг мухтасари “Тафсирул важийз”, “Тафсирул васийт”, “Усулул фикҳил исламиййи” каби китоблари машҳур. Доктор Ваҳба Зухайлий ҳижрий 1436 йил 23 шаввол, милодий 2015 йил 8 август шанба кунини 83 ёшида вафот этди.

ни диёрларингиздан чиқаринг...” сўзида инсон табиатида ўз шаҳрига муҳаббат қўйиш, ватанни севиш – қалбга ўрнашган ва унга боғлиқ иш эканига очиқ ишора бор. Чунки Аллоҳ таоло диёр ва ватандан чиқишни жонни ўлдиришга тенглаштирди. Ҳар икки иш ҳам қийиндир. Кўпчилик инсонлар қанча машаққат, қийинчилик ва сиқувга йўлиқса ҳам, ватаннинг бир зарра тупроғига бепарво бўлмайди”, деб ёзади.

وَالسَّابِقُونَ الْأَوَّلُونَ مِنَ الْمُهَاجِرِينَ وَالْأَنْصَارِ وَالَّذِينَ
اتَّبَعُوهُمْ بِإِحْسَانٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ

“Биринчи пешқадам муҳожирлар ва ансорийлар ва уларга яхшилик билан эргашганлар. Аллоҳ улардан рози бўлди, улар ҳам Аллоҳдан рози бўлдилар...”⁷

Фахриддин Розий раҳматуллоҳи алайҳ ушбу оят тафсирида муҳожирлар ансорлардан фазилатда устун бўлганлари ва бунинг тўрт сабаби борлигини айтади. Ўша сабаблар қаторида муҳожирлар ватан, оила ва қўшнилардан айрилиш машаққатига бардош берганларни санаб ўтади.

⁷ Тавба сураси, 100-оят.



Аллома Мулла Али Қорий⁸ раҳматуллоҳи алайҳ “Мирқотул мафатих” асарида айтади: «Суюкли ватандан айрилиш энг катта фитна-балодир. Шунинг учун Аллоҳ таолонинг **“Фитна қатл этишдан ёмондир”** сўзи ватандан чиқариш дея тафсир қилинади. Чунки бу сўз **“...Васизларни чиқарган жойдан уларни ҳам чиқаринг...”**⁹ оятидан сўнг келган».

*Сабр оғир уч нарса бошга келганда,
Кетказади оқилнинг ақлу ҳушини.
Суйган элидан чиқмоқ бири ҳам яна
Ёронлару ҳабибанг ташлаб кетиши.*

إِنَّ الَّذِي فَرَضَ عَلَيْكَ الْقُرْآنَ لَرَادُّكَ إِلَىٰ مَعَادٍ

“Сенга Қуръонни фарз қилган Зот,

⁸ Мулла Али Қорий. Тўлиқ исми: Нуруддин ибн Султон ибн Муҳаммад Ҳиравий Маккий Ҳанафий. Туғилган йили ҳақида аниқ маълумот йўқ. Қомусий олим. Деярли китоб ёзмаган фани бўлмаган. Баъзилар Мулла Али Қорийни уч юзга яқин китоб ёзган дейишади. Машҳур китоблари: “Мирқотул мафатих шарҳу мишкатил масобих”, “Шарҳул жазарийя”, “Шарҳуш шифа”, “Шарҳу фикҳил акбар”, “Фатҳу бабил иноя” ва бошқалар. Милодий 1606, ҳижрий 1014 йилнинг шаввол ойида вафот этган. Қабри Маккаи мукаррамадаги “Муъалло” қабристонида.

⁹ Бақара сураси, 191-оят.

**албатта, сени қайтар жойга қайтар-
гувчидир...”¹⁰**

Имом Насафий¹¹ раҳматуллоҳи алайҳ ўзининг “Мадорикут танзил ва ҳақоикут таъвил” тафсирида айтади: “Бу оят Макка билан Мадина орасидага Жухфада (Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзи ва ота-боболари туғилган жойга муштоқ бўлган вақтда нозил бўлди”.

Абдулқодир Мулло Ҳавиш¹² раҳматуллоҳи алайҳ ўзининг “Баёнул маоний” тафсирида келтиради:

“Давоний “Ал-авд” китобида айтади:

¹⁰ Қасос сураси, 85-оят.

¹¹ Имом Насафий. Тўлиқ исми: Абул Барокат Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Насафий. Фақиҳ ва муфассир бўлган. Туғилган йили ҳақида маълумот йўқ. Ёзган китоблари: “Мадорикут танзил ва ҳақоикут таъвил”, “Канзуд дақоик”, “Шарҳул манор” ва бошқалар. Имом Насафий милодий 1310, ҳижрий 701 йили рабиъул аввал ойи жума кечаси Айдаж шаҳрида вафот этган.

¹² Шайх, аллома Абулқодир Мулло Ҳавиш Ҳанафий. Тўлиқ исми: Абулқодир ибн Мулло Ҳавиш Саййид Маҳмуд Ғозий Оний. 1880 йили Она шаҳрида туғилган. Узоқ йиллар қозилик вазифасида ишлаган. Асарлари: “Баёнул маоний” (Оятларнинг нозил бўлиш тартибига кўра ёзилган тафсир), “Хуснул баён фи тажвиди аҳкамил Қуръанил карим”, “Илмул фароиз”, “Қавоидул луғатил аробийя” ва бошқалар. 1978 йил 22 февраль чоршанба кuni вафот этган.

«Яҳё ибн Саломдан ривоят қилинади:

“Менга етган хабарга кўра, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккадан Мадинага юзланиб, Жухфага етганларида Жаброил алайҳиссалом тушиб:

– Эй Муҳаммад! Туғилган ерингизни соғиняпсизми? – деди. У зот:

– Ҳа, – дедилар.

Шунда **“Сенга Қуръонни фарз қилган Зот...”** ояти нозил бўлди».

Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам дўсти Жаброил алайҳиссаломга Маккадан чиққанларига энди уч кун ўтган бўлса-да, Ватанни соғинганларини очиқ изҳор қилдилар.

Қаерда бўлмасин, Аллоҳ таоло бандалари қалбига ватан муҳаббатини жо қилган. Ҳар бир маскан ўз аҳлига маҳбуб кўринади. Қачон бўлмасин, уни бошқасидан устун қўяди. Фақат унда хотиржам бўладилар. Ҳатто ҳозирги вақтда қишлоқдагилар шаҳарга борсалар, у ердаги ҳолат қишлоқларидан чиройли ва қулай бўлишига қарамай, яхши ухлай олмайдилар. Шаҳарда қишлоқда йўқ, кўрмаган нарсалари бўлади. Шундай бўлса-да – кечами, иссиқми ёки совуқми –

бутун кучини ишини якунлаб, ўз оила-сида ухлашга сарфлашига гувоҳ бўласиз. Аллоҳ ирода қилган ҳикмат сабабли шундай бўлади. Шунинг учун ҳар бир мавжудот ўзи туғилган ватанга ошиқадди. Бу нарсани Аллоҳ мавжудотларда табиий хислат қилиб қўйган. Туя ўз ерига, қуш инига, ёввойи ҳайвонлар ўрмонига, балиқлар сувига ва инсон ўз ватанига ошиқишини кўрасиз. Гарчи манфаати ва ризқи бошқа жойда бўлса ҳам”.¹³

Демак, Аллоҳ таоло бандалари қалбига Ватанга бўлган муҳаббатни жо қилган. Ҳар бир маскан ўз аҳлига гўзал кўринади. Инсон фақат ундагина хотиржам бўла олади. “Ўз уйинг – ўлан тўшагинг”, деган ўзбек мақоли бежиз айтилмаган. Шунга ўхшаш мақоллар ҳар бир халқда борлиги тайин. Чунки ватан муҳаббати миллат, юрт танламайди. Аллоҳ таолонинг Ўзи шундай бўлишини ирода қилган.

¹³ Абдулқодир Мулло Ҳавиш “Баёнул маоний” китоби, Қасос сураси, 85-оят тафсири бироз мухтасар қилинди.

Ҳадиси шарифда Ватан тушунчаси

Муқаддас динимизнинг иккинчи манбаси бўлган Суннатда ҳам ватан тушунчаси ва унга бўлган муҳаббат бора-сида талайгина ҳадислар келган.

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يَقُولُ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا قَدِمَ مِنْ سَفَرٍ فَأَبْصَرَ دَرَجَاتِ الْمَدِينَةِ أَوْضَعَ نَاقَتَهُ وَإِنْ كَانَتْ دَابَّةً حَرَكَهَا. قَالَ أَبُو عَبْدِ اللَّهِ زَادَ الْحَارِثُ بْنُ عَمِيرٍ عَنْ حُمَيْدٍ حَرَكَهَا مِنْ حَيْثَا.
(رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ)

Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

“Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам сафардан қайтаётиб Мадина кўчаларини кўрган вақтларида туяларини тезлатардилар. (От, хачир каби) уловда бўлсалар, уни ниқтардилар”.

Абу Абдуллоҳ айтади: «Ҳорис Ибн Умайр Ҳумайднинг ***“Уловни уни (Мадинани) севганларидан ниқтардилар”*** ривоятини зиёда қилган» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا قَضَى أَحَدُكُمْ حَجَّهُ فَلْيَجْعَلِ الرَّحْلَةَ إِلَى أَهْلِهِ، فَإِنَّهُ أَعْظَمُ لِاجْرِهِ». (رَوَاهُ الدَّارَقُطْنِيُّ وَالْحَاكِمُ وَالْبَيْهَقِيُّ)

Ойша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Сизлардан бирингиз ҳажсини адо қилса, аҳлига қайтишга шошилсин. Чунки шундай қилиши ажрини кўпайтиради”, дедилар» (Имом Дорақутний, Ҳоким ва Байҳақий ривояти).

Шарҳ: Аллома Муновий¹⁴ раҳматуллоҳи алайҳ “Файзул Қодир” китобида ҳадисни қуйидагича шарҳлаган: “(Ватанга) шошилиш – мустаҳаб. “Аҳл”дан мурод эса ватандир, гарчи у ерда аҳли (оиласи) бўлмаса-да, келиши билан

¹⁴ Аллома Муновий. Тўлиқ исми: Зайнуддин Муҳаммад Абдуллауф ибн Тоҷулорифин ибн Али Зайнул Обидин Ҳаддодий Муновий Қоҳирӣ. Милодий 1545, ҳижрий 952 йилда туғилган. Милодий 1622, ҳижрий 1031 йилда Қоҳирада вафот этган. Қомусий олимлардан. Аллома Муновий парҳезкор, кам овқат, кам уйқу зотлардан эди. 80га яқин китоб муаллифи. Ёзган китоблари: “Кунузул ҳақоик” (ҳадис ҳақида), “Файзул Қодир шарҳу жомеис сағир” ва бошқалар.

дўстлари, аҳлларига сурур бағишлагани учун “шундай қилиши ажрини кўпайтиради”. Ватанда истиқомат қилишда бошқа жойга қараганда ибодатга (оид) вазифаларни бажариш осон бўлади. Бу Ислом асосларидан бири бўлган ҳаж борасида шундай дейилган бўлса, бошқа, айниқса, мустаҳаб (араб. – “севилган”, “ёқтирилган”) – шаръий амал; уни бажарган киши савоб олади, бажармаган киши гуноҳкор бўлмайди) ва мубоҳ (араб. – “умумий”, “ихтиёрий” иш-ҳаракат) – шариат томонидан мукаллаф кишига қилиш ёки қилмаслик ихтиёри тенг берилган амал) сафарларда (ўз ватанига шошилиши биринчи навбатда) талаб қилинади.

Мана шу ҳадисдан Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ Маккани қўшни тутиш макруҳ (араб. – “рад этилган”, “қораланган”, “номақбул”) шариат ҳукмларидан бири. Қатъиян тақиқланмаган, бироқ номақбул ҳисобланган ва рад этилган амал.

Макруҳ икки хил бўлади:, деган ҳукмни олганлар”.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «السَّفَرُ قِطْعَةٌ مِنَ الْعَذَابِ يَمْنَعُ أَحَدَكُمْ نَوْمَهُ وَطَعَامَهُ وَشَرَابَهُ فَإِذَا قَضَى أَحَدُكُمْ نَهْمَتَهُ مِنْ وَجْهِهِ فَلْيَعَجِلْ إِلَى أَهْلِهِ»
(مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ)

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Сафар азобнинг бир бўлагидир. Сизларни таом, шароб ва уйқудан тўсади. Қай бирингизнинг сафардан мақсади ҳосил бўлса, аҳлига шошилсин”, дедилар» (Муттафақун алайҳ).

عَنْ عُقْبَةَ بْنِ عَامِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «ثَلَاثٌ يُسْتَجَابُ دَعْوَتُهُمْ: الْوَالِدُ، وَالْمُسَافِرُ، وَالْمَظْلُومُ»
(رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ)

Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

“Уч кишининг: ота, мусофир ва мазлумнинг дуоси ижобат қилинади”, дедилар» (Имом Табароний ривояти).

Шарҳ: Аллома Муновий раҳматуллоҳи алайҳ “Файзул Қодир” китобида ёзади: “Уч кишининг: отанинг фарзандга, мусофирнинг ва мазлумнинг золимга қилган дуоси ижобат бўлади.

Сафар ватандан узоқ, ғурбатда бўлиш, машаққатларни бошдан кечириш сабабли қалбда синиқлик пайдо қилади. Синиқлик дуо ижобат бўлишининг энг катта сабабларидан бири. Мазлум эса ночордир”.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يُؤْتِي بِأَوَّلِ الثَّمَرِ فَيَقُولُ «اللَّهُمَّ بَارِكْ لَنَا فِي مَدِينَتِنَا وَفِي ثَمَارِنَا وَفِي مُدِّنَا وَفِي صَاعِنَا بَرَكَتَةً مَعَ بَرَكَتِهِ». ثُمَّ يُعْطِيهِ أَصْغَرَ مَنْ يَحْضُرُهُ مِنَ الْوِلْدَانِ.
(رَوَاهُ مُسْلِمٌ)

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга меванинг аввали келти-

рилар эди. Шунда у зот: “Аллоҳумма барик лана фи мадинатина ва фи самарина ва фи муддина ва фи соъина барокатан маъа барока” дуосини айтардилар. Сўнгра уни ҳозир бўлган болаларнинг энг ёшига берардилар» (Муслим ривояти).

Дуонинг таржимаси: “Эй Аллоҳим! Бизнинг шаҳримизга, мевамизга, муддимизга ва соъимизга барака устига барака бер”.

(Муд ва соъ – ҳажм ўлчов бирликлари).

وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ رَبِّ اجْعَلْ هَذَا بَلَدًا آمِنًا وَارْزُقْ أَهْلَهُ
مِنَ الثَّمَرَاتِ

«Иброҳимнинг: “Роббим, бунимонлик юрти қилгин ва аҳлидан Аллоҳга ва қиёмат кунига имон келтирганларини мевалар ила ризқлантиргин”, деганини эсла».

Хулоса

Аллоҳ таолодан юртга тинчлик-омонлик сўраш, мева-чевалар, анвойи неъматлар – ризқни зиёда қилишни ҳамда хирмонга барака беришни сўраш илоҳий таълимот, набавий суннатдир.

Ватанни севиш ва унга ошиқишнинг ҳукми

Уламолар ватанни севиш ва унга ошиқишни мустаҳаб, дейдилар.

Далиллар

1-далил

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يَقُولُ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى
اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا قَدِمَ مِنْ سَفَرٍ فَأَبْصَرَ دَرَجاتِ الْمَدِينَةِ
أَوْضَعَ نَاقَتَهُ وَإِنْ كَانَتْ دَابَّةً حَرَكَهَا. قَالَ أَبُو عَبْدِ اللَّهِ زَادَ
الْحَارِثُ بْنُ عُمَيْرٍ عَنْ حُمَيْدٍ حَرَكَهَا مِنْ حِمَّيَا.
(رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ)

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сафардан қайтаётиб Мадина кўчаларини кўрган вақтларида туяларини тезлатардилар. (От, хачир каби) уловда бўлсалар, уни ниқтардилар”.

Абу Абдуллоҳ айтади: «Хорис ибн Умайр Ҳумайднинг **“Уловни уни (Мадинани) севганларидан ниқтардилар”** ривоятини зиёда қилган» (Имом Бухорий ривояти).

Шарҳ: Ибн Ҳажар¹⁵ ва Бадруддин Айний раҳматуллоҳи алайҳимо: “Ҳадисда Мадинанинг фазилати, ватанни севиш ва унга ошиқишнинг шариатда борлигига далил мавжуд”, деганлар.

“Уловни уни (Мадинани) севганларидан ниқтардилар” иборасини

¹⁵ Ибн Ҳажар Асқалоний. Тўлиқ исми: Шихобуддин Абулфазл Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Али Киноний Асқалоний Шофейй. Милодий 1372, ҳижрий 773 йилда туғилган. Асли Асқалондан. Қоҳирада туғилиб, ўша ерда вафот этган. Ўз замонасининг машҳур шайхларидан дарс олган. Асарлари: “Фатҳул Борий”, “Ал-исоба фи тамйизи саҳоба”, “Лисанул мизан” ва бошқа бир қатор мўътабар китоблар ёзиб қолдирган. Милодий 1448, ҳижрий 852 йилда вафот этган.

“Саҳиҳи Бухорий” шориҳларидан бири Ибн Баттол¹⁶ раҳматуллоҳи алайҳ қуйидагича изоҳлаган: “**..уни севганларидан...**” Чунки у (Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг) Ватани эди. Унда энг суюкли инсонлари – оиласи ва фарзандлари бор эди. Ватан муҳаббати ва унга ошиқишни Аллоҳ таоло қалбга жойлаб қўйгандир. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ишни қилдилар – у зотда энг гўзал намуна бор – ва умматнинг сафарлари тугаганидан сўнг аҳлига тезроқ қайтишга буюрдилар”.

2-далил

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا قَضَى أَحَدُكُمْ حَاجَةً فَلْيَجْعَلِ الرَّحْلَةَ إِلَى أَهْلِهِ، فَإِنَّهُ أَعْظَمُ لِاجْرِهِ».
(رَوَاهُ الدَّارَقُطْنِيُّ وَالْحَاكِمِيُّ وَالْبَيْهَقِيُّ)

¹⁶ Ибн Баттол. Тўлиқ исми: Абулҳасан Али ибн Халаф ибн Абдулмалик Баттол Бикрий. Ибн Лижом номи билан машҳур бўлган. Ҳадис илмининг етук алломаларидан бири. Ҳадис фанида энг мўътабар китоблардан бири “Шарҳу саҳиҳил Бухорий” муаллифи. Туғилган йили ҳақида маълумот йўқ. Милодий 1057, ҳижрий 449 йилнинг сафар ойида вафот этган.

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам:

“Сизлардан бирингиз ҳажини адо қилса, аҳлига қайтишга шошилсин. Чунки шундай қилиши ажрини кўпайтиради”, дедилар» (Имом Дорақутний, Ҳоким ва Байҳақий ривояти. Имом Заҳабий “Муҳаззаб”да санади кучли, деган).

Шарҳ: Аллома Муновий раҳматуллоҳи алайҳ “Файзул Қодир” китобида ҳадисни шарҳлаб, ватанга шошилишни мустаҳаб деган. “Аҳл”дан мурод гарчи у ерда аҳли (оиласи) бўлмаса-да, ватандир, деган.

Муҳаммад Зурқоний¹⁷ раҳматуллоҳи алайҳ “Шарҳуз Зурқоний ʼала муваттоил имам ал-Молик” китобида ҳадис шарҳида айтади: “Ҳадисдан оиладан

¹⁷ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдулбоқий ибн Юсуф Ибн Аҳмад ибн Шихобуддин ибн Муҳаммад Зурқоний Моликий. Милодий 1645, ҳижрий 1055 йилда Қоҳиранинг Зурқон қишлоғида туғилган. Ёзган китоблари: “Шарҳул маваҳибил ладуния”, “Мухтасарул мақосидил ҳасана”, “Шарҳу Муватто” ва бошқалар. Қоҳирада милодий 1710, ҳижрий 1122 йилда вафот этган.



(ватандан) заруратсиз узоқлашишнинг макруҳлиги ва, айниқса, ҳалокатга учраш хавфи бор кишилар бўлса, унга тезроқ қайтиш мустаҳаб экани, Ватанда истиқомат қилишда роҳат, дин ва дунё ислоҳи учун кўмак, жамият ва жамоатни барпо қилиш ҳамда ибодатларга қувват борлиги тушунилади”.

3-далил

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «السَّفَرُ قِطْعَةٌ مِنَ الْعَذَابِ يَمْنَعُ أَحَدَكُمْ نَوْمَهُ وَطَعَامَهُ وَشَرَابَهُ فَإِذَا قَضَى أَحَدُكُمْ نَهْمَتَهُ مِنْ وَجْهِهِ فَلْيُعْجِلْ إِلَى أَهْلِهِ»
(مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ)

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам:

“Сафар азобнинг бир бўлагидир. Сизларни таом, шароб ва уйқудан тўсади. Қай бирингизнинг сафардан мақсади ҳосил бўлса аҳлига шошилсин”, дедилар» (Муттафақун алайҳ).

Шарҳ: Ибн Баттол раҳматуллоҳи алайҳ ҳадис шарҳида айтади:

“Ҳадисдан мусофир ҳожати раво бўлганда аҳлига тезроқ қайтиши мустаҳаблиги ва унга тарғиб тушунилади”.

Пайғамбарлар таъбирида Ватан тушунчаси

Пайғамбарлар инсониятнинг пешқадами, умматларга намуна зотлардир. Одамлар ҳаётда уларга эргашиб, улардан ибрат олиб яшайдилар. Чунки пайғамбарларнинг барча ҳаракатлари илоҳий таълимотларга асосланган.

فَلَمَّا قَضَىٰ مُوسَى الْأَجَلَ وَسَارَ بِأَهْلِهِ آنَسَ مِنْ جَانِبِ
الطُّورِ نَارًا

“Қачонки, Мусо муддатни тугатиб, аҳли билан йўлда кетаётиб, Тур томонда узоқдан оловни кўриб қолди...”¹⁸

¹⁸ Қасос сураси, 29-оят.



Қози Муҳаммад ибн Абдуллоҳ¹⁹ “Аҳкам-
мул Қуръон”да: “Уламоларимиз, Мусо
алайҳиссалом муддатни тугатган вақт-
да аҳлига қайтишни хоҳлади ва Ватани-
га ошиқди, деган”, дейди.

Пайғамбарлар отаси номини олган
Иброҳим алайҳиссалом ўз юрти ҳақиға
бундай дуо қилган эди.

وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ رَبِّ اجْعَلْ هَذَا بَلَدًا آمِنًا وَارْزُقْ أَهْلَهُ
مِنَ الثَّمَرَاتِ

**«Иброҳимнинг: “Роббим, бун
омонлик юрти қилгин ва аҳлидан
Аллоҳга ва қиёмат кунига имон кел-
тирганларини мевалар ила ризқлан-
тиргин”, деганини эсла...»²⁰**

Дуо – кўнгилдаги яширин сирлардан
хабар берувчи, ёлғон аралашмайдиган,

¹⁹ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн
Абдуллоҳ ибн Аҳмад имом Абу Бакр ибн Арабий
Маофирий Андалусий. Ҳижрий 468 йили туғилган.
Абу Бакр Туртуший, Абу Бакр Шоший, Имом Ғаззо-
лий, Абу Закариё Табризий ва бошқалардан таълим
олган. Бир қанча илмларда моҳир бўлган. Ёзган
асарлари: “Тафсир”, “Аҳкамул Қуръон”, “Шарҳул Му-
ватто”, “Шарҳут Термизий” ва бошқалар. Ўз шаҳри-
да қози бўлган. Ҳижрий 543 йилда вафот этган.

²⁰ Бақара сураси, 126-оят.

ҳақиқий, чин юракдан сизиб чиқувчи бир туйғу ҳисобланади. У Аллоҳ билан бевосита боғланишдир. Бу боғланишда энг самимий тилаклар, энг катта орзулар рўёби сўралади.

Дуонинг мазмунига эътибор қаратинг. Унда жамиятнинг фаровонлиги ва турмуш тарзини яхшилашга хизмат қилувчи икки омил айтилмоқда. Бири, тинчлик-омонлик, иккинчиси, ризқ-рўз. Ҳақиқатан, мана шу икки омил бир-галикда турар экан ҳаёт бир маромда давом этади. Ҳар иккиси ёки бири бўлмаса, ҳаётда қийинчилик ва машаққатлар бўй кўрсата бошлайди.

Хулоса

Демак, уламоларнинг таъкидлашларича, ватанни севиш ва унинг ҳақиға дуо қилиш шариатда бор. Шунингдек, ватанни севиш шаръан жоиз, ҳатто мусулмон кишини Роббига яқин қиладиган ибодатлардандир.

Хатиб Ширбиний²¹ ўзининг “Ас-си-

²¹ Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Хатиб Ширбиний Шофеий Қоҳирӣ. Тафсир, фикҳ, ақоид ва



роҳ ал-мунир” тафсирида келтиради: “Яъқуб алайҳиссалом вафоти яқинлашганда ўғли Юсуф алайҳиссаломга отасининг ёнига олиб бориб дафн этишни васият қилди. Юсуф алайҳиссалом бу васиятни ўзи бажарди. Отасини ўша ерга дафн қилди. Сўнг Мисрга қайтди. У ерда 23 йил яшади”.

Ибн Ҳамдун²² ўзининг “Ат-тазкиратул Ҳамдуния” асарида келтиради: “Юсуф алайҳиссалом Ватанини яхши кўргани учун ўзини оталари ёнига дафн этишни васият қилган эди. Лекин мисрликлар бунга қаршилиқ қилдилар. Мусо алайҳиссалом пайғамбар этиб юборилди. Фиръавн ҳалок бўлди. Сўнг Юсуф алай-

наҳв илмларида моҳир бўлган. Мисрнинг Дақаҳлия вилояти Ширбин шаҳрида дунёга келган. Туғилган йили ҳақида маълумот йўқ. Асарлари: “Ас-сирож ал-мунир”, “Муғнил муҳтаж”, “Такрирот Ўлал мутаввал” ва бошқалар. Қоҳира шаҳрида милодий 1570, ҳижрий 977 йили вафот этган.

²² Ибн Ҳамдун. Баҳоуддин Бағдодий ёки Абулмаъолий номи билан машҳур бўлган. Тўлиқ исми: Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Али ибн Ҳамдун. Милодий 1102, ҳижрий 495 йилда туғилиб, милодий 1167, ҳижрий 562 йилда вафот этган. Тарих ва одоб ҳақида “Тазкира” китоблар ёзган. Улар “Тазкироту ибн Ҳамдун” номи билан машҳур. “Қурайш қабристони” га дафн этилган.

ҳиссаломнинг васияти амалга оширилди. Юсуф алайҳиссаломнинг қабри Байтул Мақдисдаги Ҳоми қишлоғидадир”.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таъбирларида Ватан тушунчаси

Ҳар бир ишда умматга ўрнак бўлган зот Ватанга бўлган муҳаббатни амалий ҳаётда қандай бўлишини ҳам кўрсатиб берганлар.

وَعَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِمَكَّةَ: «مَا أَطْيَبَكَ مِنْ بَلَدٍ وَأَحَبَّكَ إِلَيَّ، وَلَوْلَا أَنَّ قَوْمِي أَخْرَجُونِي مِنْكَ مَا سَكَنْتُ غَيْرَكَ».
(رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ)

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккага қараб:

“Эй Макка! Сен қандай гўзал шаҳарсан! Сен менга қандай суюклисан! Агар қавмим мени сендан чиқармага-

нида эди, бошқа жойда турмасдим”, дедилар» (Имом Термизий ривояти).

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَدِيٍّ بْنِ حَمْرَاءَ الزُّهْرِيِّ قَالَ: رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَاقِفًا عَلَى الْحَزْوَرَةِ فَقَالَ: «وَاللَّهِ إِنَّكَ لَخَيْرُ أَرْضِ اللَّهِ وَأَحَبُّ أَرْضِ اللَّهِ إِلَيَّ اللَّهُ وَلَوْلَا أَنِّي أَخْرَجْتُ مِنْكَ مَا خَرَجْتُ».
(رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ)

Абдуллоҳ ибн Адий ибн Ҳамро Зухрий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламни Ҳазварада туриб:

“Аллоҳга қасамки, албатта, сен Аллоҳнинг энг яхши ерисан ва Аллоҳга Аллоҳнинг энг маҳбуб шаҳрисан. Агар сендан чиқарилмаганимда, чиқмасдим”, деб айтаётганини кўрдим”, дедилар» (Имом Термизий ривояти).

(Ҳазвара – Маккадаги жойнинг номи).

عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ مُسْلِمٍ سَمِعْتُ عُرْوَةَ بْنَ الزُّبَيْرِ يَقُولُ قَالَتْ عَائِشَةُ زَوْجُ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَرَجَعَ إِلَى خَدِيجَةَ يَرْجِفُ فَوَادَهُ فَدَخَلَ فَقَالَ زَمِّلُونِي زَمِّلُونِي فَزَمِّلَ فَلَمَّا سُرِّيَ عَنْهُ قَالَ يَا خَدِيجَةُ لَقَدْ أَشْفَقْتُ عَلَى

نَفْسِي بَلَاءٌ لَقَدْ أَشْفَقْتُ عَلَى نَفْسِي بَلَاءٌ قَالَتْ خَدِيجَةُ
 أَبْشِرْ فَوَاللَّهِ لَا يُخْزِيكَ اللَّهُ أَبَدًا إِنَّكَ لَتَصْدُقُ الْحَدِيثَ
 وَتَحْمِلُ الرِّحْمَ وَتَحْمِلُ الْكَلَّ وَتَقْرِي الضَّيْفَ وَنُعِينُ
 عَلَى نَوَائِبِ الْحَقِّ فَانْطَلَقَتْ بِي خَدِيجَةُ إِلَى وَرَقَةَ بْنِ
 نَوْفَلٍ بْنِ أَسَدٍ وَكَانَ رَجُلًا قَدْ تَنَصَّرَ شَيْخًا أَعْمَى يَقْرَأُ
 الْإِنْجِيلَ بِالْعَرَبِيَّةِ فَقَالَتْ لَهُ خَدِيجَةُ أَيَّ عَمٍّ اسْمَعْ مِنْ
 ابْنِ أَخِيكَ فَقَالَ لَهُ وَرَقَةُ يَا ابْنَ أَخِي مَاذَا تَرَى فَأَخْبَرَهُ
 رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالَّذِي رَأَى مِنْ ذَلِكَ
 فَقَالَ لَهُ وَرَقَةُ هَذَا النَّامُوسُ الَّذِي نَزَلَ عَلَى مُوسَى
 يَا لَيْتَنِي فِيهَا جَدْعًا يَا لَيْتَنِي أَكُونُ حَيًّا حِينَ يُخْرِجُكَ
 قَوْمُكَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَوْ مُخْرِجِي
 هُمْ قَالَ نَعَمْ لَمْ يَأْتِ رَجُلٌ بِمِثْلِ مَا جِئْتُ بِهِ قَطُّ إِلَّا
 عُودِي وَإِنْ يُدْرِكْنِي يَوْمَكَ أَنْصُرَكَ نَصْرًا مُؤَزَّرًا
 (رَوَاهُ أَحْمَدُ)

Муҳаммад ибн Муслимдан ривоят қилинади:

«Урва ибн Зубайрдан эшитдим. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг завжалари Ойша розияллоҳу анҳо айтади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Хадича розияллоҳу анҳонинг ҳузурига юраги сиқилган ҳолда қайтдилар. Кирибоқ: «Мени ўраб қўйинглар, мени ўраб қўйинглар», дедилар. Ўраб қўйил-

ган эди, ўзларига келиб: “Эй Хадича, менга бир талафот бўлдим, деб кўрқдим, менга бир кори ҳол бўлдим, деб кўрқдим”, дедилар. Хадича розияллоху анҳо: “Хурсандлик хабарини беринг, Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сизни ҳеч хафа қилиб қўймайди. Чунки сиз рост гапирасиз, қариндошлар билан борди-келди қиласиз, оғирни енгил қиласиз, меҳмондорчиликни жойига қўясиз ва ҳақ йўлдаги кишига қийинчилик етса, ёрдам берасиз”, дедилар. Кейин Хадича розияллоху анҳо Набий соллаллоху алайҳи ва салламни Варақа ибн Навфал ибн Асаднинг ҳузурига олиб борди. У насроний динини қабул қилган, Инжилни арабча ўқийдиган, кўзи ожиз мўйсафид киши эди. Хадича розияллоху анҳо: “Эй амакимнинг (ўғли)! Биродарингизни ўғлидан эшитинг”, дедилар. Варақа айтди: “Эй биродаримни ўғли! Нима кўрмоқдасиз?” Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам кўрганларини айтиб бердилар. Варақа: “Бу Мусога нозил бўлган Жаброилдир. Қанийди, ёш бўлсам, қанийди, қавмингиз сизни (Маккадан) чиқарганида тирик бўлсам?!” деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Улар мени (ўз юртимдан) чиқариб юборадиларми?” деган эдилар, Варақа: “Ҳа, (чиқариб юборишади). Шу вақтга қадар бирор киши сиз каби хабар олиб келмаган эди, агар келтирган бўлса ҳам қайтарилар эди. Аллоҳ сизга етган кунлар менга ҳам насиб этса, қўллаб-қувватлаб ёрдам берар эдим”, деди» (Имом Аҳмад ривояти).

Шарҳ: Ҳадис бошқа саҳиҳ китобларда бироз фарқли кўринишлар билан ривоят қилинган.

Ибн Ҳажар раҳматуллоҳи алайҳ “Фатҳул Борий” “Таъбир китоби” бўлимининг “Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга ваҳийни илк бошланиши бо-би”да “Улар мени чиқарадиларми?” ҳадиси шарҳида қуйидагиларни айтган:

«Суҳайлий айтади: “Ҳадисдан нафсга ватандан айрилишни қийинлиги тушунилади. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Варақани мушриклар азият бериши, ёлғончига чиқариши ҳақидаги гапини жим эшитдилар. Улар (сизни ватанингиздан) чиқаради деб айтганида, ватанга бўлган муҳаббат ва

ошнолик сабаб жойларидан кўзғалиб: “Улар мени (ватанимдан) чиқарадиларми?” дедилар».

Энг кўп имтиҳонга учрайдиган зотлар пайғамбарлардир. Аллоҳ таоло уларнинг барчасини энг суюкли нарсаларидан айириш билан имтиҳон қилган. Шунингдек, энг сўнгги пайғамбарини ҳам. Бу ҳақда Бадруддин Айний раҳматуллоҳи алайҳ айтади: “Аллоҳ таоло Ўз пайғамбарини ватандан айириш билан имтиҳон қилди”.

Имом Заҳабий²³ раҳматуллоҳи алайҳ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам яхши кўрган саккиз нарса ҳақида сўз юритган. Бу билан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам фақат шу саккиз нарсага муҳаббат қўйган экан-да, деган фикрга бормаслик керак. Ул зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўп нарсаларни

²³ Имом Заҳабий. Тўлиқ исми: Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон ибн Қаймаз Заҳабий. Асли туркманлардан. Муҳаддис, муаррих ва бир қатор илмларда моҳир бўлган. Асарлари: “Сиярун нубало”, “Тарихул исламил кабир”, “Кабоир” ва бошқалар. Дамашқда милодий 1274, ҳижрий 673 йилда туғилиб, милодий 1348, ҳижрий 748 йилда вафот этган.

яхши кўрганлар. Бу ерда кўпроқ яхши кўрган нарсалари зикр қилинган, холос.

Улар қуйидагилар:

Ойша розияллоҳу анҳо, Абу Бакр розияллоҳу анҳу, Усома розияллоҳу анҳу, Ҳасан ва Ҳусайн розияллоҳу анҳумо, ҳолва, асал ва ватан.

Демак, биз ҳам юқорида айтилган сўзлардан ўзимизга керакли хулосалар чиқариб, уларни қўлдан келганча ҳаётимизга татбиқ этиб боришимиз лозим. Биз ҳам доимо қадрли инсонлар, қадрли нарсаларни яхши кўришимиз керак. Бу борада суюкли Пайғамбаримиз солалаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаммамизга ўрнак-намунадирлар.

Саҳобалар таъбирида Ватан тушунчаси

Пайғамбарлардан кейин энг улуғ инсонлар саҳобалардир. Уларнинг ҳаётида ҳам ватанга бўлган муҳаббатнинг ёрқин мисолларини кўришимиз мумкин.

Ибн Ҳамдун ўзининг “Ат-тазкиратул ҳамдуния” асарида келтиради: Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо айтади: “Агар

одамлар Ватанларига қаноат қилгандек,
ризқларига қаноат қилганларида бирор
банда ризқдан шикоят қилмасди”.

Умар розияллоҳу анху: “Инсонлар ва-
танларини севмаганларида шаҳарлар
хароб бўлур эди”; “Ватанларни севиш
билан шаҳарлар обод бўлур”, деганлар.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّهَا قَالَتْ لَمَّا قَدِمَ رَسُولُ
اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمَدِينَةَ وَعَكَ أَبُو بَكْرٍ وَبِلَالٌ
قَالَتْ فَدَخَلْتُ عَلَيْهِمَا فَقُلْتُ يَا أَبَتِ كَيْفَ تَجِدُكَ
وَيَا بِلَالُ كَيْفَ تَجِدُكَ قَالَتْ فَكَانَ أَبُو بَكْرٍ إِذَا أَخَذَتْهُ
الْحُمَّى يَقُولُ:

كُلُّ امْرَأٍ مُصَبَّحٍ فِي أَهْلِهِ وَالْمَوْتُ أَدْنَى مِنْ شِرَاكِ
نَعْلِهِ

وَكَانَ بِلَالٌ إِذَا أَقْلَعَ عَنْهُ الْحُمَّى يَرْفَعُ عَقِيرَتَهُ وَيَقُولُ:
أَلَا لَيْتَ شِعْرِي هَلْ أَبَيَّنَّ لَيْلَةً بِوَادٍ وَحَوْلِي إِذْ خِرْتُ
وَجَلِيلُ

وَهَلْ أَرَدَنْ يَوْمًا مِيَاهَ مَجَنَّةٍ وَهَلْ يَبْدُونُ لِي شَامَةً
وَطَفِيلُ

قَالَتْ عَائِشَةُ فَجِئْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
فَأَخْبَرْتُهُ فَقَالَ اللَّهُمَّ حَبِّبْ إِلَيْنَا الْمَدِينَةَ كَحَبِّبْنَا مَكَّةَ
أَوْ أَشَدَّ وَصَحِّحْهَا وَبَارِكْ لَنَا فِي صَاعِهَا وَمُدِّهَا وَانْقُلْ
حُمَاهَا فَاجْعَلْهَا بِالْجُحْفَةِ رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ

Ойша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларида Абу Бакр ва Билол касалликка чалинди. Ойша розияллоҳу анҳо айтади: “Икки-сининг ҳузурига кирдим ва: “Эй отажон, қандайсиз, эй Билол, қандайсиз?»» дедим.

Абу Бакрни иситма олганида:

“Ўтар чоғим топсайдим

аҳлимда қўним,

Ковуш ипидан яқин инсонга ўлим”,

дер эди.

Билолдан иситма кетганда,

овозини кўтарганча:

“Эҳ, қанийди, бўлсайдим,

юртимда бир кеч,

Орзу мисол водийлар,

етолмасман ҳеч.

Атрофда бўлсайди

ўша чоғ изхир²⁴ ва жалил²⁵,

²⁴ Изхир – хушбўй ҳид таратувчи ўсимлик номи.

²⁵ Жалил – хушбўй ҳид таратувчи ўсимлик номи.

Мажинна²⁶ обига сер, қани Шо-
маю²⁷ Тофил”²⁸, дер эди».

Ойша розияллоҳу анҳо сўзида давом
этади: *«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи
ва салламнинг ҳузурига келиб иккиси-
нинг хабарини берган эдим: “Аллоҳум-
ма ҳаббиб илайнал Мадината қаҳуб-
бина Макката ав ашадда ва соҳҳиҳҳа
ва барик лана фи соъина ва муддина
ванқул ҳуммаҳа фажъалҳу бил Жух-
фа”, деб дуо қилдилар»* (Имом Бухорий
ривояти).

Дуонинг таржимаси: “Эй Аллоҳим!
Бизга Мадинани Макка каби ёки ундан
ҳам суюклироқ қилгин. Уни тузатгин ва
соъимиз ва муддимизга барака бергин.
Ундаги иситмани Жухфага кўчиргин”.

²⁶ Мажинна – жоҳилият даврида ҳаж мавсумида
бўладиган учта катта бозорнинг (Уккоз, Зулмижоз,
Мажинна) бири. Кинона қабиласи ҳудудида жой-
лашган. Мажинна бозори зулҳижжа ойининг охир-
ги ўн кунлигида бўлиб ўтар эди. Маккадан 20 км.
узоқда жойлашган.

²⁷ Шома – Маккадаги тоғнинг номи.

²⁸ Тофил – Маккадаги тоғнинг номи.

Билиш муҳим!

Билол розияллоҳу анҳунинг исит-малаган ҳолида ҳам дард билан овора бўлиш ўрнига бир кун ёки ярим кун ўз юртида бўлишни орзу қилиши ватанга бўлган муҳаббатнинг белгисидир.

Бу ҳолатга Пайғамбаримиз соллал-лоҳу алайҳи ва салламнинг индамаган-лари ёки уни инкор этмаганлари, балки у зотнинг Мадина ҳақиға дуо қилишлар-и бу муҳаббатнинг шаръий эканлиги-ни кўрсатади.

Фақиҳлар таъбирида Ватан тушунчаси

Фақиҳлар Ватанни учга²⁹ бўладилар:

1. Ватани аслий (аслий ватан).

Аслий ватан – инсон туғилган манзил ёки оилали бўлган жой.

2. Ватани иқома (вақтинча истиқо-мат қилинадиган ватан ёки сафар вата-ни ҳам дейилади).

²⁹ “Фатавои Оламгирия”, 15-боб, Мусофирнинг намози баёни, “Мавсуъатул фикҳийя ал-Кувай-тийя”, “Ҳошияту Ибн Обидин” ва “Мабсут” китобла-ри “Сафар намози” боби.

Ватани иқома – унда оиласи бўлмаган, ўн беш кун ёки кўпроқ туришни ният қилган шаҳар ёки қишлоқ.

3. Ватани сукно (бироз туриш мақсад қилинган ватан).

Ватани сукно – мусофирнинг ўн беш кундан озроқ туришни ният қилган маскани, манзили.

Киши ватанидан бошқа бир жойга сафар қилишни хоҳласа, шариатимиз унга фарз намозларни қаср қилиб ўқиш, маҳсига масҳ тортиш муддатининг бир кундан уч кунга узайиши, Рамазон рўзасини тутиш мубоҳга айланиши каби бир қанча енгилликларни беради.

Фақиҳлар ҳажнинг ҳикмати ва савоби улкан эканига Ватан фироқи ва ўрганиб қолган нарсадан айириш билан нафсга тарбия беришни сабаб қилиб келтирадилар. Имом Зайлаъий³⁰ раҳматуллоҳи

³⁰ Фахруддин Зайлаъий. Тўлиқ исми: Усмон ибн Али Ибн Миҳжан-Борийй Зайлаъий Ҳанафий. Асли Зайлаъдан (Зайлаъ ҳозирда Сомали ҳудудида). Машҳур фақиҳлардан. Ҳижрий 705 йилда Қоҳирага келиб ўша ерда одамларга дарс ўтиб, фатво беради. Асарлари: “Табйинул ҳақоик шарҳу канзид дақоид”, “Тарикатул калом ала аҳодисил аҳком”, “Шарҳул жомиъил кабир” ва бошқалар. Милодий 1243, ҳижрий 743 йилда Қоҳирада вафот этган. Кўпчилик Фахрид-

алайҳ “Табйинул ҳақоиқ” китобининг Ҳаж бобида айтади: “Ҳажнинг ҳикмати ватан, дўстлар, ака-укалар, оила ва ота-онадан ихтиёрий айрилиш билан нафсни ўлдиришдир”.

Имом Қарофий³¹ раҳматуллоҳи алайҳ “Аз-захира” китобида: “Ҳажнинг фойдаларидан (бири): нафсга ватан фироқи билан одоб бермоқликдир”, деган.

Авлиёлар таъбирида Ватан тушунчаси

Тасаввуф намояндаларининг ибратли ҳаётлари биз учун катта тажриба мактаби ҳисобланади. Ундан ватанга бўлган муҳаббат борасида баъзи парчаларни келтирамиз.

дин Зайлаъийни “Насбур роя фи таҳрижи аҳадисил ҳидоя” китоби муаллифи Жамолуддин Зайлаъий билан чалкаштириб қўяди.

³¹ Имом Қарофий. Тўлиқ исми: Аҳмад ибн Идрис ибн Абдурахмон Абул Аббос Шиҳобуддин Санҳожий Қарофий. Милодий 1228 йили Қоҳира шаҳрининг Қарофа қасабасида туғилган. Моликийларнинг машҳур фақиҳларидан. Яна бир неча фанларда моҳир бўлган. Асарлари: “Анворул буруқ фи анваил фуруқ”, “Аз-захира”, Ал-явоқит фи аҳкомил мавоқит” ва бошқалар. Имом Қарофий Қоҳирада милодий 1285, ҳижрий 684 йилда вафот этган.

Шайх Нажмиддин Кубро раҳматуллоҳи алайҳ.³²

Нажмиддин Кубро раҳматуллоҳи алайҳнинг яшаган даври ўта оғир, шиддатли ва мураккаб эди. Ўша вақтлар мўғулларнинг Марказий Осиёга ҳамлалари кучайиб, Чингизхон аскарлари Мовароуннаҳрдаги йирик илм шаҳарларини бирин-кетин аёвсиз босиб олаётган эди. Чингизхон аввал Бухоро, кейин Самарқандни вайрон қилади. 1221 йилнинг июль ойида Чингизхон аскарлари Хоразмга юзланади. Тарихчилардан Ибн Асир раҳматуллоҳи алайҳнинг таъкидлашича, Чингизхон ўз юришларида энг кўп аскарни Хоразмга жўнатган. Чунки Хоразм аҳолиси кўп эди. Бундан ташқа-

³² Нажмиддин Кубро. Тўлиқ исми: Абулжаноб Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад Хивақий Хоразмий. Ҳижрий 540 йили (милодий 1145–1146) Хивақ шаҳрида дунёга келган. Муҳаддис ва сўфий бўлган. Кубравий тарикати асосчиси. Ўз даврида жуда кўп валоятли шогирдлар етиштиргани учун “Валитарош”, яъни “Авлиё ясовчи” номи билан ҳам машҳур бўлган. Асарлари: “Ат-таъвилотун нажмийя” (тафсир), “Маназилус саилин”, “Фаватиҳул жамол”, “Минҳажус соликийн” ва бошқалар. Ҳижрий 618 йили сафар ойида юрт ҳимоясида мўғуллар билан бўлган жангда ҳалок бўлган. Ўзи қурдирган Работга дафн этилган.

ри, хоразмликлар шижоат ва матонат билан танилган эдилар. Ўртада аёвсиз жанг бўлди. Мўғуллар шаҳарни беш ой қамал қилиб туришди. Ҳар икки томон кўп қурбонлар берди. Лекин душман томоннинг талафоти кўпроқ эди. Чингизхон яна ёрдам кучларини жўнатди.

Тарихчиларнинг ёзишича, Нажмиддин Кубро раҳматуллоҳи алайҳга Чингизхон томонидан унга қўшилиш таклифи бўлганда, ўйлаб ўтирмай рад этган.

Хоразмшоҳ у зотга олтмиш нафарга яқин шогирди билан шаҳардан чиқиб кетиш таклифи айтганида кўнмаган. Шогирдларига: “Сизлар кетаверинглар, мен душман билан олишаман”, деб шаҳарда қолган.

Душман шаҳарга киргач, Нажмиддин Кубро шайхининг хирқасини кийиб жангга кирган ва мўғул босқинчилари томонидан шаҳид этилган.

Нажмиддин Кубро ҳазратларининг шижоат, жавонмардлик ва ватанпарварлик каби эзгу ахлоқий сифатлари бизнинг замонимизда ҳам тарбиявий

жиҳатдан ўз қийматини йўқотмаган, десак хато бўлмайди. У зотнинг ватанпарварлик сифатини намоён қилишлари бугунги кун ёшлари қалбида ватанпарварлик ҳиссини янада оширмоғи тайин.

Абу Наим³³ раҳматуллоҳи алайҳ ўзининг “Ҳиятул авлиё” китобида Иброҳим ибн Адҳам³⁴ раҳматуллоҳи алайҳнинг Ватан ҳақида айтган сўзларини келтириб бундай дейди: “Ибодат билан машғул бўлдим. Мен ўзимда нафснинг ватанга интилишидан кўра шиддатли-оғир нарсани топмадим”. Яна бошқа сўзида: “Тарк этганларим ичида ватандан айрилиш шиддатини бирор нарсага ўхшата олмадим”.

³³ Абу Наим Асфаҳоний. Тўлиқ исми: Абу Наим Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад Исҳоқ ибн Мусо ибн Меҳрон Асфаҳоний. Машҳур муаррих ва муҳаддислардан. Асфаҳонда милодий 948, ҳижрий 336 йилда туғилиб, милодий 1038, ҳижрий 430 йилда ўша ерда вафот этган. Асарлари: “Ҳиятул авлиё ва тобақотул асфия”, “Маърифатус саҳоба” ва бошқалар.

³⁴ Иброҳим ибн Адҳам. Тўлиқ исми: Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Мансур ибн Зайд ибн Жобир Ижлий Хуросоний Балхий. Милодий 718–781 йилларда яшаган. Ҳижрий II асрнинг энг улуғ тасаввуф шайхларидан. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ билан ҳам суҳбат қурган. У зот ҳақида Жунайд Бағдодий: “Иброҳим илмлар калитидир”, деган.

Машҳур мутасаввиф олим Сўфи Оллоёр³⁵ раҳматуллоҳи алайҳ Ватан ҳақида қуйидагиларни айтади:

*Яқин бил, кимни кўпроқ айласанг ёд,
Бўлур дўстунг сани, эй одамизод.
Билур ҳар одам ўғли бўлса уйғоғ,
Ватаннинг аслидур бизларға туффроғ.*

Сўфи Оллоёр ҳазратлари юқоридаги байтда бизга қуйидагиларни насиҳат қилмоқда.

Ўзини ҳазрати инсонга мансуб эканлигини даъво қилувчи ҳар бир ғафлат уйқусидан уйғоқ, сергак одам “Ватан” деганда одамнинг лойдан яратилганига ишора қилиб, тупроқни тушунмоғи кераклиги уқтирилмоқда. Дарҳақиқат, инсоннинг асли тупроқдан яралган. Ким шу тупроқни қадрлар, Ватаним, деб ҳурматини жойига қўяр экан, билсинки, у инсон, аввало, бу билан ўзини, аслини ҳурмат қилаётир.

³⁵ Сўфи Оллоёр раҳматуллоҳи алайҳ ҳақида маълумотлар жуда кам. Ҳаётининг охирида Каттакўрғондан Ҳисорга яқин Даҳана номли жойга бориб ўша ерни маскан тутган. Ҳижрий 1136 йилда вафот этган. Асарлари: “Маслакул муттақийн”, “Муродул орифийн”, “Махзанул мутиъийн” ва “Саботул ожизийн”.

Ўзини, аслини ҳурмат қилмайдиганлар эса ўзгаларни ҳеч қачон ҳурмат қилмайди.

Ислом уламолари таъбирида Ватан тушунчаси

(Мутақаддим уламолар)

Абу Амр ибн Ало³⁶ раҳматуллоҳи алайҳ: “Кишининг карами (кенглиги) ва ботини поклигига ватанига ошиқиши, эски дўстларига бўлган муҳаббати ҳамда (бефойда) ўтган вақтига йиғлаши далилдир”, дейди.

Имом Шофеий³⁷ раҳматуллоҳи алайҳ илм талабида кўп жойларга сафар қилди.

³⁶ Абу Амр ибн Ало Ибн Аммор ибн Ирён ибн Абдуллоҳ ибн Ҳусойн Тамимий Мазиний Басрий. 70-ҳижрий йилда туғилган. 156-ҳижрий санада вафот этган. Етти машҳур қориларнинг бири. Навҳ фанида тўртинчи табақа вакилларида.

³⁷ Имом Шофеий. Тўлиқ исми: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис ибн Аббос ибн Усмон ибн Шофеъ Ҳошимий Қураший Мутоллий. Милодий 746, ҳижрий 150 йилда Фаластиннинг Ғазза шаҳрида туғилган. Тўрт мазҳаб имомларидан бири. 199 ҳижрий йили Мисрга кўчиб борган ва ўша ерда милодий 820, ҳижрий 204 йилда вафот этган. Қабри Қоҳирада. Асарлари: “Ал-умм”, “Муснад”, “Аҳкомул Қуръон” ва бошқалар.

Лекин Ватан фироқи, юрт соғинчи ҳами-
ша қалбини тирнар эди. Бир куни қалби-
дан ўтаётган кечинмаларни тўкиб солди.

وَإِنِّي لَمُشْتَاقٌ إِلَى أَرْضِ غَزَّةَ
وَإِنْ خَانِي بَعْدَ التَّفَرُّقِ كَتْمَانِي
سَقَى اللَّهُ أَرْضًا لَوْ ظَفِرْتُ بِتُرْبِهَا
كَحَلْتُ بِهِ مِنْ شِدَّةِ الشَّوْقِ أَجْفَانِي

*Мен муштоқ эрурман Ғазза³⁸ ерига,
Солса-да хиёнат дўстлар бошимга.
Аллоҳ порлоқ қилсин, етсам ерига,
Шавқ-ла сурма қилай гилин қошимга.*

Имом Шофеий раҳматуллоҳи алайҳ:
“Инсоннинг хору зор бўлиши учун вата-
ни ва яқинларидан айрилишининг ўзи
кифоя!” деганлар.

Абу Муҳаммад Аҳмад ибн Абдуллоҳ
Музаний Муғаффалий Ҳиравий раҳма-
туллоҳи алайҳ. “Бозул абяз” (“оқ лочин”)
лақаби билан машҳур бўлган. Қомусий
олимлардан бири. Айниқса, ҳадис илми-
да моҳир бўлган. Қабри Ҳиротда.

³⁸ Ўрта Ер денгизи шарқий жанубий қисмида
жойлашган Фаластин шаҳарларидан бири. Имом
Шофеий туғилган шаҳар.

Субкий³⁹ раҳматуллоҳи алайҳ “Табақот” китобида Аҳмад ибн Абдуллоҳ Муғаффалий ҳақида ҳикоя қилади: “Абу Муҳаммад Аҳмад ибн Абдуллоҳ Музаний Муғаффалий Ватанга муҳаббат кўйиш ҳақида китоб ёзди. Сўнгра бир ҳафта касал бўлиб ётиб, оламдан ўтди. Шу сабабли “Ватан муҳаббати қурбони” номини олди”.

Мавлоно Шамсуддин Фанорийнинг набираси Алоуддин Али ибн Юсуф ибн Аҳмад Румий ҳанафий ёшлигидан ажаллар юртига сафар қилди.

Ҳиротга бориб уламолардан сабоқ олди. Кейин Самарқанд ва Бухорога ўтиб у ернинг уламоларидан таҳсил олди. Барча илмларда моҳир бўлди. Ўша ерга мударрис этиб тайинлади. Бироз вақт ўтгандан кейин ватан муҳаббати устун келди. Муҳаммадхон ибн

³⁹ Тожуддин Абу Наср Абдулваҳҳоб ибн Али ибн Абдулкофий. Милодий 1327 йили Қоҳиранинг Субук деган жойида туғилган. Муаррих, фақиҳ ва қатор фанларда моҳир бўлган. Отаси билан Дамашққа кўчиб борган ва милодий 1370 йили ўша ерда вафот этган. Асарлари: “Табоқотуш шофеъийятил кубро”, “Жамъул жавомийъ”, “Тавшихут тасҳиҳ” ва бошқалар.

Усмоннинг илк ҳукмронлик вақтида Рум шаҳрига қайтди.

Замондош уламолар

Алихонтўра⁴⁰ ҳазратлари: Ҳар бир инсон учун муқаддас ҳисобланган тўрт нарса бор, улар: “Ҳур ва озодлиги, пешона тери меҳнати билан топган молига ўзи эгалик қилмоғи, туғилиб ўсган она ватани, асрлар бўйи асраб-авайлаб келаётган муқаддас дини. Бу тўрт нарсага эга бўлмаган кимсалар инсонлик шарафидан маҳрумдир”, деган эдилар.

Азҳар университети Ислом маданияти (факультети) устози, доктор Закий Усмон⁴¹ таъкидлаганидек: “Ватанга ман-

⁴⁰ Алихонтўра Шокирхонтўра ўғли Соғуний 1885 йили Туркистоннинг Тўқмоқ шаҳрида туғилган. Туркистоннинг атоқли олим ва давлат арбоби. Ёшлигидан илмга чанқоқ бўлган Алихонтўра тафсир, ҳадис, фикҳ, тиб ва бошқа қатор билимларни пухта ўрганиб етук олим бўлиб етишди. Алихонтўра умрининг кўп қисмини миллат қайғуси ва дарди билан ўтказди. Асарлари: “Тарихи Муҳаммадия”, “Туркистон қайғуси”, “Шифаул илал” ва бошқалар. Алихонтўра Соғуний 1976 йил 29 февралда Тошкентда вафот этган. Қабри Кўкча қабристонида.

⁴¹ Закий Усмон. 1953 йил 1 февралда Мисрнинг

сублик қуруқ шиор ёки оғизда қолиб кетадиган сўзлардан иборат эмас. Балки у муҳаббат, ихлос, фидокорлик, қурбон бўлиш демакдир”.

Ватан қадри билан миллат юксалади. Ватан ислоҳоти билан инсон бахтли бўлади. Айнан ватаннинг умумий ва тўлиқ тушунчаси ҳақида Аллоҳ таоло айтади: **“...У сизларни ердан пайдо қилди ва унга сизни ободлиги учун қўйди...”**⁴² ва **“Батаҳқиқ, Биз сизларга ер юзида имкон бердик ва унда сизлар учун маиший воситаларни (пайдо) қилдик Лекин сизлар жуда оз шукр этарсиз-**

Розиқот қишлоғида туғилган. Оиланинг ёлғиз ўғил фарзанди бўлган Закий икки ёшида қаттиқ дардга чалинади. Касаллик асоратидан у шол ва кўзи ожиз бўлиб қолади. Ота-онасининг кўрсатмаган шифокори қолмайди. Фойдаси бўлмайди. Закий диний ва дунёвий фанларни ўзлаштириб боради. Радиодан инглиз тилини пухта ўрганади. Унинг жисмоний камчиликлари ўқишдан тўхтатмайди. Олийгоҳга киради. Магистратурани аъло баҳоларга тугатади. 1985 йили докторлик ишини олий даражада топшириб, доктор унвонига эришади. Тафсир, маданият, ижтимоий ва бошқа соҳаларда 24 дан ортиқ китоб ёзган. У 2015 йили 30 январда 62 ёшида оламдан ўтган.

⁴² Ҳуд сураси, 61-оят.

лар”.⁴³ Бу оятлардаги обод қилишга амр қилинган ер заминдир.

Ватан – замин, миллат, тузум, кадр-қиммат, ирода ва бошқарув демакдир.

Инсон ва бағрида ҳаёт кечираётган ватани ўртасида умумий тақсим мавжуддир. Бу тақсим ватан ерини ташкил қиладиган тупроқда яққол намоён бўлади. Мана шу тупроқдан яратилдик, унинг устида ҳаёт кечирамиз ва остига дафн қилинамиз. Аллоҳ таоло бизни то қиёмат кунида қайта тирилтиргунича... Аллоҳ таоло айтади: **“Сизни тупроқдан яратгани ва сўнгра сизлар башарга айланиб тарқалишингиз Унинг оят-белгиларидандир”** (Рум сураси, 20-оят).

Шундай экан, инсон бу дунёда фасод қилиш учун эмас, обод қилиш учун яратилгандир. Чин мўмин киши Ватан қадрини билади. Унга бўлган мансубликни ҳар қандай мансубликдан устун қўяди. Ватанга бўлган муҳаббат дабдаба ва ҳашам эмас, балки у душманларга қарши вожиб саналган юрт ҳимоясида ту-

⁴³ Аъроф сураси, 10-оят.

ришдай, ундан узрсиз қолиб бўлмайди-
ган шаръий вожиб амалдир.

Доктор Муҳаммад Дусуқий:⁴⁴ “Ис-
лом ватанга муҳаббат қўйиш ва мансуб-
ликни ақиданинг бир қисми этиб, юрт
тупроғини ҳимоя қилишни муқаддас
бурч қилиб қўйди. Муборак набавий
сийрат бизга исломда ватаннинг ўрни-
ни гўзал тарзда гавдалантириб, кўрса-
тиб беради.

Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва сал-
лам Маккаи мукаррамадан Мадинаи
мунавварага ҳижрат қилиб чиққан-
ларида йиғлаганлар. Маккага маҳзун

⁴⁴ Доктор Муҳаммад Дусуқий. Муҳаммад Саййид
Дусуқий 1934 йил 10 октябрда Мисрнинг Даҳақ-
лия ҳудудига қарашли Азабатул арид қишлоғида
туғилган. 1959 йили Қоҳира университетини аъло
баҳоларга тугатган. 1965 йили магистратурани та-
момлаган. 1972 йили “Имом Муҳаммад ибн Ҳасан
Шайбоний ва унинг ислом фикҳидаги ўрни” мавзу-
сида докторлик иши ёқлаб, докторлик унвонини
қўлга киритган. Мутахассислиги: фикҳ ва усул
фикҳ фанлари. Ливия, Қатар давлат университет-
ларида ишлаган. Жиддадаги “Мажмаъул фикҳил
ислабий” ва бошқа қатор ислом ташкилотлари-
нинг аъзоси. Доктор Дусуқий 70 дан зиёд китоб ва
илмий рисоалар муаллифи. Айни чоғда нафақа
ёшида бўлишига қарамай, Қоҳира университети
“Дорул улум” факультетида ислом шариати бўли-
мида талабаларга дарс бериб келмоқда.

ҳолда қайта-қайта қараганлар ва: “Аллоҳга қасамки, албатта, сен Аллоҳнинг энг яхши ерисан ва мен учун Аллоҳнинг энг маҳбуб шахрисан. Агар аҳлинг мени сендан чиқармаганида, чиқмас эдим”, деганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ватанларидан мажбур чиқдилар. Рисолатни етказиш учун Мадинага бордилар. Шунга қарамай, кўнгиллари доим туғилиб ўсган Макка томон талпинар эди. У зотнинг қалблари Аллоҳ таолонинг: **“Сенга Куръонни фарз қилган Зот, албатта, сени қайтар жойга қайтаргувчидир...”** (*Қасос, 85-оят*), ояти нозил бўлгунича таскин топмади.

Ислом бизга Ватанни севмоқ имондандир деб ўргатганини илова қиламан.

Инсон ватансиз қочоқ ёки бегонадир. Эркинлик ва қадр-қимматни сезмайди. Табиий равишда ҳаёт кечиролмайди.

Инсоннинг хуррият ва азизлиги ўзи мансуб бўлган, ҳимоя қиладиган, фуқаролигини қабул қилган, зиммасидаги вазифаларни бажарадиган, ҳуқуқларидан фойдалана оладиган ватандагина рўёбга чиқади. Бу нарсa инсоннинг қа-

риндошлари ҳамда оиласи билан бирга, туғилиб ўсган ватанида ҳаёт кечиришида янада яққол кўринади. Агар кишининг ватани бўлмаса, у бошқалар ҳисобига яшайди. Шараф ва иззатни сезмайди ҳам.

Замондош олимлардан бири: «Мен диним учун ватанимга жонимни қурбон қиламан дейдиган кишини эшитган вақтингизда, билингки, у диннинг ҳам, Ватаннинг ҳам маъносини тушунмабди», деган эди».

Дунё олимлари таъбирида Ватан тушунчаси

Чўлда ўрмалаб юрган жониворлар ҳам туғилишиданоқ ўз маконларини биладилар, ҳавода учувчи қушлар ҳам, денгиз ва дарёлардаги балиқлар ҳам ўз ошёнларини ҳис қиладилар, ҳатто болари ва шунга ўхшашлар ҳам ўз уяларини муҳофаза қиладилар, шунингдек, одамлар ҳам қаерда туғилиб ўсган бўлсалар, ўша жойга чексиз меҳр қўядилар.

Ф. СКОРИНА

Ватанпарварлик – ёлғиз ўз ватанига меҳр қўйишдан иборатгина эмас. Бу жуда катта ҳис... Бу – ватан билан ўзини бир бутун деб билиш, унинг яхши-ёмон кунларида асқатиш демакдир.

А. Н. ТОЛСТОЙ

Ким халқ билан унинг қайғусини баб-баравар бўлишиб олмаса, унинг шодлик байрамида ўзини хўрланган дея ҳис этиши шубҳасиздир.

Л. М. ЛЕОНОВ

Кимки умумий фалокат дақиқаларида ватан халоскорлигидан бошқа бирон-бир ҳаёлга борса, озод давлатда яшашга ҳақли эмас.

Ф. КЛИНГЕР

Инсон ҳаммадан аввал ўз мамлакатининг фарзанди, ватан манфаатларини дилига жо қилган фуқародир.

В. Г. БЕЛИНСКИЙ

Ватан ғояси шонли йилларда ҳам, кундалик ҳаётда ҳам унинг фарзандларига бирдек хос бўлмоғи зарур, биноба-

рин, бу ғояни чинакам ҳис этгандаги-
на киши ўзини фуқаро дея ҳисоблашга
ҳақлидир.

М. Е. САЛТИКОВ-ШЧЕДРИН

Ким бўлишдан қатъи назар, унинг
ватанпарварлиги сўзи билан эмас, иши
билан исбот қилинади.

В. Г. БЕЛИНСКИЙ

Ватанга нафи йўқ яшалган ҳар кун,
Инсон ҳаётида қолур бемазмун.

М. САЛМОН

Ватан учун чала иш қилиш, унинг
учун ҳеч нима қилмасликдир.

М. РОБЕСПЬЕР

Ватанга муҳаббат, аввало, унга сами-
мият, қизғинлик билан, самарали ис-
так билан эзгулик ва маърифат тилаш-
дан иборатдир, унинг меҳробига ҳамма
нарсани, ширин жонни ҳам фидо этиш,
ундаги барча яхши нарсаларга қизғин
ҳамдardлик билдириш ҳамда унинг ка-

молот йўлига ғов тушаётган нарсаларга қаҳрли бўлмоқликдир.

Н. А. НЕКРАСОВ

Ватанпарвар – ватанга хизмат қилаётган кишидир, ватан эса бу, авваламбор, халқдир.

Н. Г. ЧЕРНИШЕВСКИЙ

Ватанпарварлик туйғуси номусли ва назокатлидир... Муқаддас сўзларни эҳтиёт қил, ватанга муҳаббат хусусида дуч келган жойда оғиз кўпиртирма. Яхшиси, унинг фаровонлиги ва қудрати йўлида индамайгина меҳнат қил.

В. А. СУХОМЛИНСКИЙ

Яқин-яқинларда ҳам ватанпарварлик ватандаги барча яхши нарсаларни мадҳ этишдан иборат эди; ватанпарвар бўлмоқ учун энди бу нарсалар кифоя қилмайди. Чунончи, барча яхши нарсаларни мадҳ этишга ҳали бизда мавжуд бўлган бемаъниликларни аёвсиз фош қилиш ва таъқиб этиш ҳам қўшилган.

Я. А. ДОБРОЛЮБОВ

Халқ фаровонлиги йўлида ҳар турли усулларни ахтармоқ ва иложи борича ватанга зарар етказадиган иллатларга барҳам бермоқ керак.

И. А. КРИЛОВ

Ватанпарварлик бизни маҳлиё қилиб қўймаслиги керак; ватанга муҳаббат кўр-кўрона эҳтирос эмас, балки доно ақл фаолиятидир.

М. КАРАМЗИН

Энг ёқимли ва долзарб ишлар ҳам ватанга хавф солувчи хатар олдида нари суриб қўйилади.

Л. М. ЛЕОНОВ

Бизга ота-оналар, болалар, яқин хеш-ақраблар қимматлидирлар; лекин муҳаббат бобидаги барча тасаввурларимиз биргина «Ватан» сўзида мужассам. Ватанга нафи теккудек бўлса, ахир қайси виждонли одам унинг учун жон бермоққа иккиланар экан?

ЦИЦЕРОН

Маърифатли халқларнинг ҳақиқий жасорати ватан йўлида қурбон бўлишга ҳозир эканликларида акс этади.

Г. ГЕГЕЛЬ

Энг мақбул фазилат – ватанга ва одамзодга кўрсатилган хизматда.

Ж. ДЕЛИЛЬ

Агар ҳаёт гўзаллиги ҳақида сўз борадиган бўлса, ватан учун курашда фидокорлик кўрсата билиш гўзал ҳаётнинг энг юксак намунасидир.

М. И. КАЛИНИН

Ватандан ташқарида бахт йўқ, ҳар ким жонажон ерида илдиз отсин.

И. С. ТУРГЕНЕВ

Ўзингни ватанга қанчалар яқин ҳис этсанг, уни шу қадар жонли вужуд каби аниқроқ ва севиброқ тасаввур қиласан.

А.БЛОК

Ҳар кимнинг қалбида ўз халқининг жажжи қиёфаси яшайди.

ФРЕЙТАГ

Фақат ҳамиятсиз одамларгина Ватан
туйғусининг гўзал ва юксаклигини ҳис
этолмайдилар.

И. П. ПАВЛОВ

Ким ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани
сева олмайди.

Ж. БАЙРОН

Кимда ўз юртига меҳр бўлмаса, у қал-
бан шикаста, қалбан мажруҳ.

Т. ШЕВЧЕНКО

Ким ўз ватанига дахлдор бўлмаса, у
инсониятга ҳам дахлдор эмас.

В. Г. БЕЛИНСКИЙ

Ўз юртидан юз ўгирганлар виждон-
ларидан ҳам юз ўгирадилар.

Я. ГАЛАН

Ким ватанни хор қилса, у оиласидан
ҳам айрилади.

П. КОРНЕЛЬ



Шундай жиноят борки, уни оқлаб бўлмайди – бу ватанга хиёнатдир.

П. БУАСТ

Ватанга хиёнат қилмоқ учун қалбан ғоятда тубан бўлмоқ керак.

Н. Г. ЧЕРНИШЕВСКИЙ

Сотқинни ҳеч кимга ва ҳеч нарсага солиштириб бўлмайди. Менимча, ҳатто терлама бити ҳам сотқинга қиёсланса, ҳақоратланган бўлур эди.

М. ГОРЬКИЙ

Инсоннинг оёғи ўз юрти заминига томир отиши керак, лекин унинг нигоҳи бутун дунёни кузатсин.

Ж. САНТАЯНА

Ватанга муҳаббат бутун дунёга муҳаббат билан уйғунлашиб кетади. Билим нуридан баҳраманд бўлган халқ, бу билан ёнверидаги қўшниларига зиён келтирмайди. Аксинча, давлатлар қан-

чалик маърифатли бўлишса, бир-бир-
лари билан тил топишиб, янада қудрат-
лироқ кучга айланадилар, оламшумул
тафаккур янада равнақ топади.⁴⁵

К. ГЕЛВЕСИН

71

Ҳукамоларнинг Ватан ҳақида айтган гаплари

Ҳакимлар ғариб – юртидан йироқда-
ги кишини ота-онасидан тенг ажраб
етим қолган болага ўхшатади. Унга
меҳрибонлик қиладиган на онаси бўла-
ди, на тарафини олдиган отаси.

Куш инига, инсон ватанига ошиқади.
Сенда онангнинг сут ҳақи бўлганидек,
яшаб турган ерингнинг ҳам ватанлик
ҳақи бор.

Оқилнинг белгилари: дўстларга ях-
шилиқ қилади, ватанига ошиқади, за-
мона аҳли билан муросада яшайди.

⁴⁵ Ушбу бобдаги дунё олимларининг фикрлари ziyou.uz сайтидан олинди.

Ватанни севиш билан диёрлар обод бўлур.

Гурбат хорликни, хорлик эса йўқчиликни келтирур.

Ватаннинг бебаҳо эканини эшита туриб уни сотадиган инсонлар ҳам учрайди.

Агар сен ватан ташвишини кўтармасанг, ушбу Ватаннинг ташвишига айланасан!

Фарзандларининг машҳур бўлишини хоҳламайдиган юрт эҳтиромга лойиқ эмас!

Агар ватан ёки инсон – иккисидан бирининг яшаши ёки ўлишига тўғри келса, ватаннинг яшаши учун инсон қурбон бўлиши керак бўлади.

Ватан учун жон бермоқ гўзалдир. Ватан учун яшамоқ ундан-да гўзал.

Ватанга бўлган муҳаббат сўзда эмас,
иш ва амалда кўринадиган туйғудир.

Ватан муҳаббати сўзда эмас, кўзда
чақнайдиган учқундир.

Ватанга онамизга талпингандек
шошиламиз.

Ватан еридек қадрли нарса бўлмас!

Ватан муҳаббатли инсонлар ерида,
уларнинг пешона тери ила ўсадиган
серҳосил дарахтдир.

Инсон бу ёруғ дунёга бир бор кела-
ди, лекин, шу азиз жонни Ватан йўлида
фидо этса, афсус эмас.

Ватаннинг қотган нони ажнабийлар-
нинг ширинлигидан афзалдир!

Ватан биз учун суюкли макондир.
Ундан қадамлар билан узоқлашсак-да
қалбан яқинмиз.

Карамли кишилар ўз ватанига қушинига талпингандай шошилади.

Мусофир минг матонатли бўлмасин, ғурбат вақтида иложсиз ватанни эслайди.

Бахтлилар йиғилиб ватанни барпо қилур. Қалблар йиғилиб машаққатлар енгил бўлур.

Ватан – ёмон хизмат қилганда ташлаб кетиладиган меҳмонхона эмас.

Ватан гарчи унда аламлар, ситамлар зиёда бўлса ҳам, барибир у Ватандир! Ғурбат (мусофирчилик) гарчи у ривожланган маскан бўлса ҳам, барибир ғурбатдир.

Ватанда олган совғанг ҳақиқийдир. Чунки инсоннинг асл баҳосини ватанидан бошқаси беролмайди.

Инсоннинг олий вазифаси эртаю кеч Ватани ва халқи ҳаёти даражасини кўтаришдан иборатдир. Фуқароликка ва би-

рор мансабга эга бўлиб, сўнг ҳеч нарса қилмай ўтириш эмас.

Ватанга хатар пайдо бўлганда, унинг фуқаролари армияга айланади.

Ким бир жойнинг тузини тотган бўлса, унинг учун ўша жой ватани қаторида бўлади.

Ватанни ота-онани яхши кўргандек севиш лозим. Чунки болага ёшлигида она оқ сут бергани каби ватан ҳам ўз фарзандларига зилол сувидан беради. Ота фарзандини ёмонликлардан ҳимоя қилгани каби ватан ҳам ўз фарзандларини ёмонликлардан ҳимоя қилади.

Ватан дегани бепоён жой эмас, у гоҳида жуда кичик, икки кафтга сиғадиган тупроқ бўлиши мумкин.

Инсонни ризқи, униб-ўсиши унда бўлгани учун Онага таққослаб, “она ватан” дейилади.

Ватан қадри фироқда билинур.



Подшоҳлар таъбирида Ватан тушунчаси

Ватан соғинчи ва муҳаббатини ўз ҳаётида гавдалантириб бера олган подшоҳлар ҳақида гапирар эканмиз, ҳаёлимизга биринчи бўлиб Заҳириддин Муҳаммад Бобур келади.

Мирзо Бобур умрининг охиригача ватан соғинчи, юрт фироқида яшади. Нима қилмасин, бу нарсани ҳеч қалбидан чиқара олмади. Бунинг ёзган ғазаларидан ҳам пайқаш қийин эмас. У ўз ҳиссиётларини яшира олмай, дилида борини қоғозга тўкиб солди:

*Толёғ йўғи жонимға балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.*

Тарихчиларнинг таъкидлашича, Бобур ўз ватанига қайтишга ҳарчанд уринмасин, у ердаги фитналар бунга йўл бермади. Қалбдаги ватанга қайтиш орзуси амалга ошмай қолди.



Мирзо Бобур дунёдан ўтар чоғи ҳеч бўлмаганда ватанига яқинроқ жойга дафн этишларини васият қилди. Дарвоқе, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Жамна дарёси яқинидаги “Нури Афшон” боғига дафн қилинган. Унинг хоки орадан бир неча йил ўтиб, васиятига кўра, Кобул шаҳридаги “Боғи Бобур” га кўчирилган.

Ватан тушунчаси адиб ва шоирлар таъбирида

Энг кўп қаламга олинган мавзулардан бири, албатта, бу Ватан мавзусидир.

Тарихда бирор шоир ёки адиб йўқки, бу мавзуда ижод қилмаган, қалам тебратмаган бўлса.

*Сенга ғам ҳам ташвиш эмас,
Ватанингда орий бўлмоғинг.
Муҳим шулки, бўлмаса бас,
Ватанингни ори бўлмоғинг!*

(Бу ерда иккинчи сатрдаги “орий” сўзи “яланғоч” маъносида, “ори” – “доғ”, “иснод” маъносида.)



*Ватан таркин бир нафас айлама,
Яна ранжи ғурбат ҳавас айлама.*

Алишер Навоий

Жоним Ватан

Ватан менинг ярқираган
қўрғон ерим,
Ой-у офтоб мангу
қўрғон қўрғон ерим.
Эсдан чиқар бошқа ҳамма
қўрғон ерим,
Ватан менинг туққон ерим,
турғон ерим,
Униб-ўсиб, ўйнаб-кулиб юрғон ерим.
Инсонийлик деган
қадим зироватлар,
Орият ҳам, ориятга риоятлар,
Шунда унга айтсин кўҳна ривоятлар,
Етмиш пуштим тиклаб
кетган иморатлар,
Тарбиятнинг биносини қўрғон ерим.
Онамсан деб изларингни кўзга суртсам,
Болам десанг, сувларингдай
мавжлар урсам,

Тоғларингдай баланд-баланд
 ўйлар сурсам,
Қайда бўлсам, қайда турсам,
 қайда юрсам,
Мангу ўйнар кўзда жавлон урғон ерим.
Жаҳон кезар жамолинга қуёш тўймай,
Майсанг бўлиб сенинг учун
 нечун куймай,
Дилимдан ҳам, тилимдан
 ҳам номинг қўймай,
Жоним бирлан, таним
 бирлан нега суймай,
Роҳат яшаб, соғлом яшаб юрғон ерим.
Кафтларимни очиб оқшом ҳилолинга,
Юзга суртгум камол истаб камолинга,
Дахлдорман элинг, нони ҳалолинга,
Таъзим айлаб заҳмат
 чеккан чумолинга,
Саждагоҳим саждага бош урғон ерим.
Беҳиштларга опа-сингил фаслларинг,
Бўй талашиб ўсган янги наслларинг,
Бунча ширин, бунча дилбар васлларинг,
Улуғларинг асрларга қасрларинг,
Қасрлари асрларни кўрғон ерим.
Боболардан мерос меҳру шафқатимсан,
Қатлам-қатлам илму ҳадис ҳикматимсан,
Матонатдан бино бўлган Давлатимсан,

Даврон кўруб даври даврон сурғон ерим,
Жоним – Ватан, таним – Ватан,
кўзим – Ватан.

ابن الرومي عن الوطن

ولي وطن آليت ألا أبيعه وألا أرى غيري له
الدهر مالكا
عهدت به شرخ الشباب ونعمة كنعمة قوم
أصبحوا في ضلالكا
وحبَّ أوطان الرجال إليهم مآرب قضاها

⁴⁶ Тахаллуси Сидқий Хондайлиқий. Асл исми Сирожуддин Махдум Мирзоҳид Охун ўғли. 1884 йили ҳозирги Бўстонлиқ тумани Хондайлиқ қишлоғида туғилган. Шоир, хаттот ва таржимон бўлган. Кўкалдош мадрасасида ўқиган. Асарлари: “Тазкираи Имоми Аъзам”, “Сад иршоди мулла Сидқий Хондайлиқий” ва бошқалар. Саъдий раҳматуллоҳи алайҳнинг “Бўстон” китобини туркийга таржима қилган. 1934 йили вафот этган.

الشباب هنالكا
إذا ذكروا أوطانهم ذكّرتهم عهود الصبا فيها
فحنوا لذالكا

Ибн Румий⁴⁷ Ватан ҳақида

Ватаним бор, қасам ичаман,
Сотмайман, у мисоли чаман.

Йиллар ўтар ўзгармас фикр,
Онт ичаман, қилурман зикр.

Ўтган унда ёшлик чоғларим,
Неъматлари тўкин боғларим.

Ором олган инсонлар мисол,
Соялари, бир назаринг сол.

Ҳатто унга улфатдир жоним,
Сезгум ундан узоқда оним.

⁴⁷ Ибн Румий. Тўлиқ исми: Абулҳасан Али ибн Аббос ибн Журайж. Бағдоднинг Ақиқа деган жойда милодий 836, ҳижрий 221 йилда ражаб ойининг 2-куни туғилган. Отаси асли румлик бўлгани учун Ибн Румий номини олган. Ҳижрий III асрнинг машҳур шоирларидан. Аббосийлар даврида ижод қилган. Милодий 896, ҳижрий 283 йилда вафот этган.

Тани бор, гўё фироқда яшар,
Руҳи чиққан мисоли башар.

Ватанини севарлар мардлар,
Унда ўтмиш, алам у дардлар.

Эслатилса, сезар дил ва тан.
Шунинг учун севилар Ватан.

Изоҳ: Ибн Румийнинг Ватан ҳақидаги шеърни айтишига қуйидаги воқеа сабаб бўлган экан.

У кишининг Бағдодда Ибн Абу Комил деган золим, тижоратчи қўшниси бўлади. У Ибн Румийдан уйини сотишни сўрайди. Ибн Румий эса таклифни рад этади. Золим қўшни уйни қўлга киритиш учун қўлидан келган барча ҳийла-найрангини ишга солади. Ночор қолган Ибн Румий Бағдод ҳокими Сулаймон ибн Абдуллоҳга дардини айтиб, шикоят қилиб боради. Ва ўзининг туғилган ери – ватанига бўлган муҳаббатини ўз шеъри орқали изҳор қилади.

خير الدين الزركلي قصيدة حب الوطن

العين بعد فراقها الوطناً لا ساكناً ألفت ولا سكناً
ريانةً بالدمع ألقها ألا تحس كرىً ولا وسناً
كانت ترى في كل ساحة حسناً وباتت لا ترى حسناً
والقلب لولا أنه صعدت أنكرته وشككت فيه أنا
ليت الذين أحبهم علموا وهموا هنالك ما لقيت هنا

Ватанни севиш ҳақида қасида

Жудо бўлганида Ватандан кўзлар,
Масканга унс бўлмас, на уни сўзлар.

Тан безовта, қайғудадир, кўзда ёш,
На уйқу бор, на мудроқ берар бардош.

Дам йўқ, дил уришдан тўхтар гўё,
Шубҳам бор мен ҳаётман ёки рўё.

Қани, суйганларим кошки билсалар,
Борганимда ул ерда йўқ бўлсалар.

Умидим бор, жудо бўлмам ҳеч бир он,
Азиз руҳим танамда бўлган замон.

Хайруддин Зириклий⁴⁸

⁴⁸ Хайруддин Зириклий 1893 йили 25 июнда

عن الوطن

وكنّا ألفناها ولم تك مألّفا
وقد يؤلف الشيء الذي ليس بالحسن
كما تؤلف الارض التي لم يطب بها
هواء ولا ماء ولكنها وطن

Улфат тутимиз ёт нарсаларни гоҳ,
Баъзида севилур хунуклар, э воҳ!
Суюлур ҳаво, суви нохуш ерлар,
Чунки уни улуғлар Ватан, дерлар!
Араб шеъриятидан

Табиблар таъбирида Ватан тушунчаси

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи
ва саллам ватан тупроғи ва унда яшов-
чи одамлар ўртасида ўзаро боғлиқлик
борлигини айтганлар.

عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ فِي

Лубноннинг Байрут шаҳрида туғилган. Тарихчи,
ёзувчи ва шоир бўлган. Асарлари: “Ал-аълум”, “Ал-
важиз фи сиротил малик Абдулазиз”, “Девон” ва
бошқалар. 1976 йил Мисрнинг Қоҳира шаҳрида ва-
фот этган.

الرُّفْيَةِ تُرْبَةُ أَرْضِنَا وَرَيْقَهُ بَعْضُنَا يُشْفَى سَقِيمُنَا بِإِذْنِ رَبِّنَا
(رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ)

Ойша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам руқяларида: “Турбату арзина ва рийқоту баъзина юшфа сақимуна бизни Роббина”ни ўқир эдилар», дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Дуонинг таржимаси: “Еримизнинг тупроғи, баъзимизнинг тупуги, Роббимизнинг изни ила касалимизга шифо бер”.

Нававий⁴⁹ раҳматуллоҳи алайҳ: “Ҳадиснинг маъноси – ўз тупугини кўрсаткич бормоғига теккизади. Сўнг уни тупроққа босади. Бармоққа ёпишган нарсани оғриётган жой ёки жароҳатга суркайди. Суркаш асносида мазкур дуони ўқийди”, деган.

⁴⁹ Имом Нававий. Тўлиқ исми: Абу Закариё Яҳё ибн Шараф ибн Муррий ибн Ҳасан Нававий Шофейй. Милодий 1233, ҳижрий 631 йилда Суриянинг Ҳаврон қишлоғида Наво деган жойда туғилган. Фикҳ ва ҳадисда моҳир бўлган. Асарлари: “Таҳзибул асмо вал луғот”, “Минҳожут толибин”, “Ал-азкор”, “Риёзус солиҳийн”, “Ал-минҳаж фи шарҳи соҳиҳил Муслим” ва бошқалар. Имом Нававий милодий 1233, ҳижрий 676 йилда Ҳавронда вафот этган.

Қуртубий⁵⁰ раҳматуллоҳи алайҳ: “Қўлни ерга қўйишга келсак, унда хосият ёки одатий сабабларни келтириш билан қудрат асарини беркитиш ҳикмати бордир”, дейди.

Ватан тупроғининг ўзига хос хислатлари мавжуд. Бунинг тагига етишдан ақллар ожиз қолади. Бу ҳақда улуғ олим, машҳур муфассир Байзовий⁵¹ раҳматуллоҳи алайҳ шундай дейди: “Қўпгина тиббий баҳсларда Ватан тупроғининг ми-

⁵⁰ Имом Қуртубий. Тўлиқ исми: Абу Абдуллоҳ Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр ибн Фарҳ Ансорий Хазражий Қуртубий. Машҳур муфассирлардан. 1214 йили Андалуснинг Қуртуба шаҳрида туғилган. Кейинчалик шарққа, Мисрга шимолий Асютга кўчиб ўтиб, ўша ерда ўрнашиб қолган. Ёзган асарлари: “Ал-жомеъ лиаҳқамил Қуръан” (“Тафсирул Қуртубий” номи билан машҳур), “Ат-тазкирату биаҳвалил мавта ва аҳвалил ахироти”, “Ат-тақриб ликитабит тамҳид” ва бошқалар. 1273 йили шимолий Асютнинг Муняту Бани Хасиб деган жойида вафот этган.

⁵¹ Имом Байзовий. Тўлиқ исми: Носируддин Абдуллоҳ ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Али Байзовий Шерозий. Форснинг Шероз яқинидаги Байзо деган жойида туғилган. Туғилган йили ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Бир муддат Шерозда қозилик қилган. Кейинчалик Табризга кўчиб ўтган. Ёзган асарлари: “Анварут танзил ва асрорут таъвил” (“Байзовий тафсири” номи билан машҳур), “Товалиъул анвар”, “Минҳожул вусул ила илмил усул” ва бошқалар. 1286 йили Шерозда вафот этган.

жозни сақлаш ва зарарни даф қилишда таъсири борлигига гувоҳ бўлганман. Мусофир (сафаридан олдин) ўзи билан ватани сувидан олиши, агар бунинг имкони бўлмаса, тупроғидан олиб кетмоғи лозим. Турли сувлардаги зарарлардан сақланиш учун ундан бироз қўшади”.

Букрот⁵² айтади: “Ҳар бир касал ўз ерининг гиёҳлари билан даволанади”.

Жолинус⁵³ айтади: “Бемор одам еридан келган майин шабада сабабли ором олади”, “Касал ватан тупроғи ва лойи билан сурункали, тузалмас касалликлардан шифо топади”.

⁵² Букрот. Гераклитнинг ўғли. Милоддан аввал яшаган. Туғилган ва вафот этган йилида ихтилоф бор. Тиб илмининг асосчиларидан бири, юнон файласуфи. Шарқда Букрот ҳаким, ғарбда Гиппократ, халқ орасида эса Тиббиёт отаси номи билан машҳур бўлган. Унинг асарлари араб тилига таржима қилинган. Букротнинг 75 яқин асари “Мажмуъату Букротийя” номи билан жамланган.

⁵³ Жолинус. Милодий 129–200 йиллари яшаган табиб, юнон файласуфларидан. Араб табибларидан Абу Бакр Розий уни Букротдан кейин “Икки фозилнинг иккинчиси” деб номлаган. Доришунослик фанига ҳам салмоқли ҳисса қўшган. Ибн Абу Усайбианинг ҳисобига кўра, 126 га яқин китоб, рисола ва мақолалар ёзган. Баъзи изланувчилар унинг асарларарини 500 дан ортишини таъкидлайдилар.



Аёллар таъбирида Ватан тушунчаси

Иброҳим Ҳарбий⁵⁴ “Ғарибул ҳадис” китобида қуйидаги ҳикояни айтади: “Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Ҳишомайний Махзумий бир кишидан ривоят қилади: “Одамлар Маккадан Шомга сафарга отландилар. Йўлда уларга бир қаср кўринди. Бир-бирларига қараб, тахминан бир мил юрсак, қаср ҳовлисида бироз мизғиб оламиз, дейишди. Ана ўша ҳолатда турган эдилар бирдан қаср эшиги очилиб, чанқаган оҳу мисол бир аёл чиқиб, эшикни қўли билан сурди.

- Қайси қабиладансиз? – деди аёл.
- Турли ерданмиз, – дедик биз.
- Орангизда Маккадан бирор киши борми?

⁵⁴ Иброҳим Ҳарбий. Тўлиқ исми: Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Исҳоқ ибн Башир ибн Абдуллоҳ Бағдодий Ҳарбий. Ҳадис илмининг катта уламоларидан. Фикҳ ва одобда моҳир бўлган. Асли Марвдан. Милодий 815, ҳижрий 198 йили туғилган. Фикҳни Имом Аҳмаддан ўрганган. Асарлари: “Ғарибул ҳадис”, “Икромуз зойф”, “Маносикул ҳаж” ва бошқалар. Милодий 898, ҳижрий 285 йилда Басрада вафот этган.

– Бор.

Шунда у шеър айта бошлади:

*Эй бизлардан манзил сўраган киши,
Яқин манзилимиздир – Уқҳувона.
Соф ҳаётни булғар иғвогар иши,
Хабарин бермайди бундан замона.
Юртда дардли бўлса бирор кас,
Унга бу ранжда шерикмиз, бас!
Бу қаср мен учун ватанлиги ҳақ,
Маккам Ватан, қарздорман барҳақ.*

Ундан кейин бир чуқур нафас олиб, хушидан кетди. Шунда қасрдан бир букчайган кампир чиқиб, унинг юзига сув сепди. Кампир:

– Солар ҳар кун неча марта бу ҳолатга, Ўлмоқ яхши бу ҳаётдан, қасам Робга! – деди.

– Ҳой онахон, бу аёлнинг тарихи қандай?

– Бу маккалик бир кишининг чўри-си эди. Уни сотганидан бери Маккага иштиёқ билан талпинади, Ватанини эслайди”, – деди кампир”.

Саҳро одамлари таъбирида Ватан тушунчаси

Абу Усмон Амр ибн Баҳр Жоҳиз⁵⁵ раҳматуллоҳи алайҳ “Ал-ҳанину илал автон” рисоласида айтади: “Аъробийлар (тўпори инсонлар)ни қақраб ётган қишлоқларига, фақирона (ҳаёт кечирадиган) ерларига, (юртининг) қаттиқ тошларига ҳамда хавфли шамол эсาดиган (иқлими соғлиққа зарар) жойларига ошиққанига гувоҳ бўласиз”.

Аъробий аёл айтди: “Аҳлингдан бошқа ерда бўлсанг, хорликдан насибанг борлигини унутма!”

Бир аъробийга: – Саҳрода иссиқ кучайиб, ҳар бир нарсанинг сояси ўзига тушганда нима қиласиз? – деб сўрашди.

Аъробий:

– У пайтда, саҳрода юриб, пешонамдан марварид каби терлар оқса, ҳасани санчиб, унга кийимимни иламан.

⁵⁵ Абу Усмон Жоҳиз. Тўлиқ исми: Амр ибн Баҳр ибн Маҳбуб Киноний Лайсий. Одоб фанининг катта уламоларидан. Милодий 780, ҳижрий 163 йилда туғилиб, милодий 869, ҳижрий 255 йилда Басрада вафот қилган. Кўп асарлар ёзган. Жумладан: “Ал-баён ват таъйин”, “Сихрул баён”, “Ал-бухало”, “Ал-ҳанину илал автон” ва бошқалар.

Ўша кийимимнинг соясида, ҳар томондан шабада эсиб, гўё Кисронинг айво-нида ўтиргандек ўтираман, – деб жавоб берди.

Бир аъробийга:

– Бахт нима? – дея савол беришди.

У:

– Кифоя қилгудек ризқ билан ватанда яшаш ва дўстлар билан ўтириш, – дея жавоб берди.

– Унда хорлик (бахтсизлик) нима? – дея сўрашди ундан.

– Шаҳарда кўчиб юриш ва ватандан узоқда яшаш, – дея жавоб берди у.

Дунё халқлари Ватан ҳақида

Ҳар бир миллатнинг ватан ҳақида ай-тилган сўзлари бор. Қуйида шу икки ми-солни келтириш билан кифояланамиз.

Ҳиндлар: “Ватанинг ҳурмати – ота-онанг ҳурмати кабидир. Чунки сенинг озуқанг ота-онангдан. Иккисининг озуқаси ватандандир”, дейди.

Форслар: “Туғилиш қалбда меҳрибон-лик (кўчатини) ўтқазгани каби, яралган

тупроғинг қалбда ҳурмат (кўчати)ни ўтқазади”, дейди.

Шунингдек, араблар узоқ ерга сафар қилсалар, ўзлари билан бирга ўз юртининг тупроғи ёки қумидан бир ҳовуч олишар ва ундан яра, тумов ёки бош оғриғида малҳам сифатида фойдаланишар экан.



ИККИНЧИ БОБ



ВАТАН МУҲАББАТИ ИЖТИМОИЙ ТАЛҚИНДА

- Ватан остонадан бошланади
- Ватанга муҳаббат нозик туйғудир!
- Ватан фақат инсонга хосми?
- Юрт ривожига барча дахлдор
- Ватан учун нима қилдик?
- Ватанга хизмат – олий ҳиммат
- Ватаннинг қандай ҳақлари бор?
- Ватанга тегишли осори атиқалар ардоқланади
- Ватан номи улуғдир!
- Туз ҳақи (ибратли ҳикоя)
- Ватаннинг ёмони бўлмас!
- Юртингизга Худо назар қилган...
- Ватан ҳақида ёзилган китоб ва рисоалар
- Ватан ва ватанпарварлик ҳақида ўзбек халқ мақоллари

Ватан остонадан бошланади

Ватан муҳаббати бир сўз билан ифода этиш қийин бўлган, кенг қамровли тушунчадир. Ватанга бўлган муҳаббатни ўзига яраша кўринишлари бор. У қуйидаги ҳолатларда яққол намоён бўлади. Ҳадисларда келганидек, инсон, аввало, яхшиликни ўзидан бошламоғи даркор. Ундан кейин оила, яқин қариндошлар, узоқ қариндошлар, девори туташ қўшнилари, сўнг узоқ қўшнилари, маҳалла, ёру биродарлар, бегоналарга, қўйинки, мусулмон ва номусулмон ҳар бир кишига яхшилик қилаверади. Яъни, мўминнинг яхшилик қилиш доирасини кенг, бошқа дин вакилларига ҳам рухсат этилган доирада ёрдам кўрсатаверади. Бу динимиздаги бағрикенгликни ёрқин ифодасидир. Ҳатто мўминнинг яхшилигидан ҳайвонот, наботот ва жамомот олами ҳам бенасиб эмас.

Мана шу нарсалар ватанга бўлган муҳаббатнинг кўринишлари ҳисобланар экан.

Ватанга муҳаббат нозик туйғудир!

Ҳамаср олимларимиздан шайх Муҳаммад Ғаззолий раҳматуллоҳи алайҳ ватан ҳақида оз ва соз, зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўядиган, жуда гўзал таъриф айтган:

“Башарият ўз ерини ундаги нарсалари билан, гарчи у ҳеч ким яшамайдиган чўл бўлса ҳам яхши кўраверади.

Ватанни севиш – юракка сингиб кетган, инсонни унда бўлганида хотиржам, йироқ кетганида талпинадиган, ҳужум қилинганида асрайдиган ва камситилганида ғазабланадиган қилиб қўювчи туйғу”.

Шайх Муҳаммад Ғаззолий раҳматуллоҳи алайҳ айтганларини бироз шарҳлайлик.

Башарият ўз ерини ундаги нарсалари билан, гарчи у ҳеч ким яшамайдиган чўл бўлса ҳам яхши кўраверади.

Нега бундай? Чунки бу туйғуни, бу муҳаббатни инсон ўзидан-ўзи пайдо қилган эмас. Уни бандаси қалбига солган, қон-қонига, жон-жонига сингдириб қўйган, яратишда муҳаббати ила қориб

яратган зот унинг Холиқидир. Демак, бу шунчаки оддий эмас, илоҳий туйғудир. Қалбга муҳаббатни Аллоҳ солганидан кейин, гарчи у ҳеч ким яшамайдиган чўл бўлса ҳам, уни яхши кўраверади. Имкониятларнинг чегараланганлиги, ризқининг танглиги ва шароитнинг торлигига эътибор бермайди, ундан шикоят ҳам қилмайди. Чунки Лайлининг ҳақиқий жамолини кўраман деганлар унга Мажнуннинг кўзи билан қарамоғи керак!

Ватанни севиш – юракка сингиб кетган...

Боиси, инсонни яратилиши ҳам, қайтадигани ҳам айна шу ватан, шу замин-да!

Инсонни унда бўлганида хотиржам...

Ҳақиқатан ҳам, инсон қийналса-да, ватанида бошқа жойга қараганда хотиржам, хур яшайди. “Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл”, ҳикмати ҳам бежиз айтилмаган. Камбағал инсон ўз юртида подшоҳлар каби ҳаёт кечиради. Баъзилар ўзга юртда бой ҳолда яшагани билан, аслида, улар ғарибдир.

Ҳикматларда: “Кишининг ризқи ўз ватанида бўлиши саодатдир”, дейилган.

Йироқ кетганида талпинадиган...

Имом Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳ: “Инсоннинг хору зор бўлиши учун ватани ва яқинларидан айрилишининг ўзи кифоя!”, деганлар.

Инсон узоқларда бўлса-да, ватани унинг хотирасидан ўчмайди.

ҳужум қилинганида асрайдиган...

Ватанни-ку қўятуринг, инсон ўзига тегишли бир қарич ерни ҳам бировга бергиси келмайди. Ким Ватани сарҳадларига ҳужум қилинганини кўрса ҳимояга шайланади. Керак бўлса, унинг йўлида жонини қурбон қилади. Ёвга ватаннинг бир ҳовуч тупроғини ҳам бериб қўймайди.

Ва камситилганида ғазабланадиган қилиб қўювчи туйғу”.

Қай бир инсоннинг ватани камситилса ёки миллати пастга уриб масхара қилинса, албатта, унинг қалбида ғазаб уйғонади. Демак, мусулмон одам ватани дўстига дўст, душманига душман бўлмоғи керак.

Шундай экан, инсоннинг зиммасида покиза неъматларини еб ҳаёт кечирадиган, осмони остида Роббига тинч-осуда ибодат қиладиган ватаннинг қандай ҳақлари бор?

Ҳар бир фуқаронинг Ватани олдида бир неча ҳақ ва вазифалари мавжуд. Бу хусусда қуйида алоҳида сўз юритилади. Уларнинг энг муҳимлари учта:

Биринчи ҳаққи: ватанга чин муҳаббат қўйишдир.

Анас розияллоҳу анҳу айтади:
“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сафардан қайтаётиб Мадина кўчаларини кўрган вақтларида туяларини тезлатардилар. (От, хачир каби) уловда бўлсалар, уни ниқтардилар”.

Абу Абдуллоҳ айтади: «Ҳорис Ибн Умайр Ҳумайднинг **“Уловни уни (Мадинани) севганларидан ниқтардилар”**, ривоятини зиёда қилган» *(Имом Бухорий ривояти)*.

Иккинчи ҳаққи: ватанни обод этиш.

“...У сизларни ердан пайдо қилди ва унга сизни ободлиги учун қўйди...”⁵⁶

⁵⁶ Ҳуд сураси, 61-оят.

Учинчи ҳаққи: унда фасод ва бузғунчилик ишлари билан машғул бўлмаслик. **“Ва ислоҳ қилингандан кейин ер юзида фасод қилманг...”**⁵⁷

Ватан фақат инсонга хосми?

Инсон эга бўлган нарсалар ичида энг қимматбаҳоси – дини ва ватанидир. Бирор инсон йўқки, ватанини севмаса, улуғламаса. Қандай улуғламасин?! Чунки, Ватан унинг киндик қони тўкилган, беғубор болалик чоғи ўтган, илк қадамларини қўйган, ёшлик, кексалик даврларини сурган, ўчмас хотиралари муҳрланган, ота-боболарининг юрти, фарзанду набиралари улғайган заминдир!

Фақат инсон эмас, ҳатто ҳайвонлар ҳам ўз ватани – инини бошқа ҳеч бир нарсага алишмайди. Алишишга рози ҳам бўлмайди. Унинг йўлида ҳар қандай қиммат ва нафис нарсаларини қурбон қилади.

⁵⁷ Аъроф сураси, 56-оят.

Кушлар инида бахтиёр яшайди. Бирор нарсани хасчўпдан бўлган инига алишмайди.

Балиқлар денгиз ва океанлар оша минглаб чақиримларни сузиб ўтадилар. Яна барибир ўз ватанларига қайтадилар.

Митти чумолини кўринг, ризқ талабида қанча жойларга боради, тепаликларга қийналиб чиқади. У ҳам яна ўз инига – ватанига қайтади.

Баъзи ҳайвонлар асл ватанидан бошқа жойга кўчирилса, нобуд бўлиб қолади. Кўряпсизми, ҳамма – ҳазрати инсондан тортиб, то майда ҳашаротларгача ўз ватанини севади. Демак, бу мавжудотлар устидаги Аллоҳнинг одати, суннати, қонуни! Уни инсоннинг ҳам, бошқа жонзотларнинг ҳам фитратига Аллоҳ солиб қўйган. Бўлмаса, ҳарорати олтмишга етадиган иссиқ жойларда ёки ҳарорат нолдан паст бўлган шимолий қутбларда ёхуд ўрмонларда, ҳар кун ҳаёт учун хавфли ерларда яшашга уларни нима мажбур қилади?! Уларни бунга ундаган нарсa фақатгина ватанларига бўлган муҳаббатдир.



عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ عَنْ أَبِيهِ قَالَ: كُنَّا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي سَفَرٍ فَأَنْطَلَقَ لِحَاجَتِهِ فَرَأَيْنَا حُمَرَةً مَعَهَا فَرْخَانِ فَأَخَذْنَا فَرْخَيْهَا فَجَاءَتِ الْحُمَرَةُ فَجَعَلَتْ تَفْرُشُ فَجَاءَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: «مَنْ فَجَعَ هَذِهِ بِوَلَدِهَا رُدُّوا وَلَدَهَا إِلَيْهَا». وَرَأَى قَرْيَةً نَمُلٍ قَدْ حَرَّقْنَاهَا فَقَالَ: «مَنْ حَرَّقَ هَذِهِ». قُلْنَا نَحْنُ. قَالَ: «إِنَّهُ لَا يَنْبَغِي أَنْ يُعَذِّبَ بِالنَّارِ إِلَّا رَبُّ النَّارِ». (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ)

Абдуррахмон ибн Абдуллоҳ у отасидан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан сафарда эдик. У зот ўз ҳождатлари учун кетдилар. Бир вақт кичкина қушни кўриб қолдик. Унинг иккита полапони бор эди. Полапонларини олиб қўйган эдик, тепамизда гир айланиб уча бошлади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам келдилар-да: «Ким буни боласи сабабли безовта қилди? Боласини унга қайтаринглар», дедилар. Сўнг биз ёндирган чумоли уясига кўзлари тушиб: «Бунга ким ўт қўйди?» деб сўрадилар. «Биз», деган эдик, «Парвардигордан бошқа-

ни олов билан азоблашга ҳақи йўқ», дедилар» (Абу Довуд ривояти).

Халқимизда: “Қушнинг ҳам ини бузилмасин”, деган нақл бежизга айтилмаган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
«أَنَّ نَمْلَةً قَرَصَتْ نَبِيًّا مِنَ الْأَنْبِيَاءِ فَأَمَرَ بِقَرْيَةِ النَّمْلِ
فَأُحْرِقَتْ فَأَوْحَى اللَّهُ إِلَيْهِ أَنِّي أَنْ قَرَصْتُكَ نَمْلَةً أَهْلَكَتَ
أُمَّةً مِنَ الْأُمَمِ تُسَبِّحُ».
(رَوَاهُ مُسْلِمٌ)

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар:

«Бир чумоли пайғамбарлардан бирини тишлаб олди. Шунда чумолилар қишлоғини ёндиришга буюрди. Аллоҳ таоло унга ваҳий қилиб: «Сени бир чумоли тишласа тасбеҳ айтадиган умматни ҳалок қиласанми?», деди» (Имом Муслим ривояти).

Абдуррауф Муновий раҳматуллоҳи алайҳ ҳадис шарҳида: “...пайғамбарлардан бири...” – Узаир, Мусо ёки Довуд

алайҳиссаломлардан бири бўлиши мумкин, деган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ :
«نَزَلَ نَبِيٌّ مِنَ الْأَنْبِيَاءِ تَحْتَ شَجَرَةٍ فَلَدَغَتْهُ نَمْلَةٌ فَأَمَرَ
بِجَهَازِهِ فَأَخْرَجَ مِنْ تَحْتِهَا ثُمَّ أَمَرَهَا فَأُحْرِقَتْ فَأَوْحَى
اللَّهُ إِلَيْهِ فَهَلَا نَمْلَةٌ وَاحِدَةً». (رَوَاهُ مُسْلِمٌ)

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расуллulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«Пайғамбарлардан бири дарахт тагига борди. Уни бир чумоли тишлаб олди. Шунда дарахт тагидан матоларини олиб, чумоли (уни)ни ёндиришга буюрди. Аллоҳ таоло ваҳий қилди: «Бир чумоли деб-а?», дедилар» (Имом Муслим ривояти).

Роғиб Асфаҳоний раҳматуллоҳи алайҳ ўзининг “Муҳозаротул удабо” китобининг тўққизинчи бобида “Яхшилиги кутилмайдиган, фазилати орзу қилинмайдиган киши” сарлавҳаси остида бир ажойиб воқеани келтиради:

Зурора ибн Соид ҳақида Соҳиб: “Аллоҳга қасамки, у сиқиладиган ҳўл, синадиган қуруқ эмасдир. Унинг ҳузурида на сирка, на шароб бор. У билан йўқлик бир хил эди”, деган. Абдулмалик у ҳақида: “Бахиллиги тошни тешади”, дер эди. Бир аъробий Зурора ибн Соид билан уришиб: “Сизлар ҳадя беришда оқсайсиз, аёлларни ҳўрлайсиз, сувни сотасиз! Сизда фойда ҳам, наф ҳам, чиройли фикр-у, бегоналарни ҳурмат қилиш ҳам йўқ”, деди.

Шунда Зуроранинг аёли унга: “Аллоҳга қасамки, ватан муҳаббати бўлмаганида, сенинг ҳовлингда ҳатто сичқон ҳам турмас эди”, деди.

Иёс ибн Муовия бир жойдан ўтаётиб:

- Ватанидан айрилган, ғариб итнинг овозини эшитяпман, – деди.

- Буни қандай билдингиз?

- Унинг паст овозда, бошқа итларнинг баланд овозда вовиллашидан, – деди.

Хулоса

Барча мавжудотлар ўз ини, ўз масканини севади ва унга ошиқади. Энди, мавжудотлар гултожи, ҳазрати инсон қандай ўз Ватанини севмасин, унга ошиқмасин?!

Ватанпарварликда чумоли
ва қалдирғочга етадигани бўлмайди

“Ватанпарвар” сўзи аслида одамларга нисбатан қўлланади. Улардан бошқаларга «ватанпарвар» сўзи шартли равишда ишлатилади.

Бироқ дунёда шундай ҳашаротлар, шундай қушлар борки, ўз инлари – ошёнларига бўлган ҳурмати, меҳри ва садоқатини кўриб, ҳайратга тушасан киши.

Куйида ана ўша икки қаҳрамон: чумоли ва қалдирғоч ҳақида бироз сўз юритамиз.

Чумоли ўзи митти ҳашарот бўлса-да, инсонларнинг ундан ўрганадиганлари жуда кўп.

Ватанпарварликда чумолиларга ета-
дигани бўлмайди. Бу ҳолатни бошқа ҳа-
шаротларда учратмайсиз. Чумолининг
ватанпарварлиги қилаётган ишларида
яққол кўринади. Чумолилар табиатан
энг тартибли, ораста, бир-бирини яхши
тушунадиган, топганини биргаликда
баҳам кўрадиган ҳамда жамоавий ша-
роитда ҳаёт кечирадиган ҳашарот ҳи-
собланади. Жамоада миллионтагача
чумоли бўлиши мумкин. Чумолилар ои-
ласи тўртликдан ташкил топади: битта
малика (она), эркак, ишчи ва кўриқчи
чумолилар. Ҳар бирининг ўзига хос ва-
зифалари бор. Она чумоли жуссаси кат-
тароқ бўлиб, инидан чиқмайди. У тухум
қўйиб, насл қолдириш вазифасини ба-
жаради. Она чумолини ишчи чумолилар
боқади.

Чумолилар ўз инлари – ватанлари
чегара дахлсизлиги, тинчлиги ва осо-
йишталигига алоҳида эътибор қилади.
Хатар пайдо бўлди дегунча жипслашиб,
инига ҳеч нарсани йўлатмайдилар. Ҳат-
то, бу йўлда керак бўлса, ўзини қурбон
қилишга тайёр турадилар. Бу чумоли-
лардаги энг чиройли сифатлардан бири-

дир. Бу вазифа кўриқчи чумолилар зим-масида. Озиқ йиғиш, тозалик ва бошқа вазифаларни ишчи чумолилар бажаради. Уйга кирмоқчи бўлган ишчи чумолилар мўйловларини кўриқчи чумолилар бошига теккизади. Ундан кейин ичкарига киришга рухсат берилади. Эркак чумолилар уруғлантириш – кўпайиш даврида яшайди, холос.

Бу миттивойлар ҳайратга соладиган даражада энг тартибли, интизомли ҳаёт кечирадиган ҳашарот ҳисобланади.

* * *

Қалдирғоч бир жойда ин қуриб, тухум қўйиб, полапон очади. Уларни боқиб катта қилади. Совуқ тушуши билан инини тарк қилиб, иссиқ ўлкаларга учиб кетади. Шуниси қизиқки, полапонлар дунёга келган инини эслаб қолади. Яна ўша жойга қайтиб, тухум қўйиб, полапонларини очиб чиқади. Уларни биров безовта қилмаса, бу ҳолат такрорланаверади.

Юрт ривожига барча дахлдор

Юрт равнақи ва тараққиёти ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Унинг ривожига, гуллаб-яшнаши бағрида яшаётган одамларга боғлиқдир. Мамлакатнинг ҳар бир фуқароси юрт ривожига ва тараққиётига ўзини дахлдор деб билиши, вазифасини сидқидилдан адо этиши лозим. Бу йўлда бир зум тин олмаслик, қўлдан келган барча имкониятларни ишга солмоқлик даркор. Юрт ривожига ҳар бир соҳа вакили масъул. Фуқаронинг юрти тараққиётига қўшаётган ҳиссаси унинг қилаётган меҳнатида яққол намоён бўлади.

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنْ قَامَتِ السَّاعَةُ وَفِي يَدِ أَحَدِكُمْ فَسِيلَةٌ ، فَإِنْ اسْتَطَاعَ أَنْ لَا تَقُومَ السَّاعَةُ حَتَّى يَغْرِسَهَا ، فَلْيَفْعَلْ (رَوَاهُ الْبَزَّازُ وَرِجَالُهُ أَثْبَاتٌ ثِقَاتٌ)

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар бирингизни қўлида

хурмо қўчати турган ҳолатда (қиёмат) соати қоим бўлиб қиёмат бўлгунча уни экиб олишга қодир бўлса, ўша ишни қилсин», дедилар» (Имом Баззор ривояти. Унинг ровийлари энг ишончли кишилардир).

Ватан учун нима қилдик?

Ватан биз учун кенг ва равон йўлларни барпо қилди. Кечалари қийналмаслигимиз учун чароғон чироқларни ўрнатди. Болаларимизга одоб, таълим-тарбия берди. Ўқитди, ўргатди, касб-хунарли қилди. Биз ва фарзандларимиз учун боғча, мактаб, олийгоҳлар, шифохоналар, масжиду мадрасалар, ер, ҳаво ва сувда узоғимизни яқин, юки-мизни енгил қилувчи воситалар ҳамда бошқа моддий ва маънавий эҳтиёжларимизни қондириш учун имкониятлар яратиб берди. Буларнинг ҳаммасини биз учун барпо қилди. Буларнинг ҳаммаси бизнинг хизматимизда. Буларга жавобан биз нима қилдик?

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ватанларига бўлган муҳаббатни **“Эй**

Макка! Сен қандай гўзал (хуш) шаҳар-сан! Сен менга қандай суюклисан! Агар қавмим мени сендан чиқармаганида, бошқада турмасдим”, дея ифода этдилар.

Биз-чи, биз?! Ватанимизга бўлган муҳаббатни қандай ифода этмоқдамиз?!

Саъдий⁵⁸ раҳматуллоҳи алайҳ “Гулистон” китобида айтади:

*Абру боду маҳу хуршеду
фалак даркоранд,
То ту ноне ба каф орию
ба ғафлат нахури.*

⁵⁸ Саъдий раҳматуллоҳи алайҳ милодий 1209–1294, ҳижрий 606–694 йилларда яшаган. Мушриф ибн Муслиҳ Саъдий Форсий Шерозий. Куняси Абу Абдуллоҳ. Шерозда туғилган. Бошланғич таълимни она юртида олган. Кейинчалик дарсни Бағдоддаги Низомия мадрасасида давом эттиради. Саъдий раҳматуллоҳи алайҳ машҳур қодирия тариқати асосчиси Абдулқодир Жийлоний ҳазратларининг муридларидан ҳисобланади. Одоб, Қуръон ва ҳадис илмларини пухта эгаллаган. Ҳижрий еттинчи асрнинг энг катта шоирларидан ҳисобланади. Баъзилар Саъдий раҳматуллоҳи алайҳни форс шеъриятини тўрт устунидан бири дейишади. Улар: Фирдавсий, Анварий, Низомий ва Саъдий раҳматуллоҳи алайҳлардир. Саъдий раҳматуллоҳи алайҳнинг “Бўстон”, “Гулистон” ва “Девон” каби дурдона асарлари мавжуд.

*Ҳама аз баҳри ту саргаштаву
фармонбардор,
Шарти инсоф на бошад,
ки ту фармон набари.*

Маъноси:

*Булут, шамол, қуёш-у, ой ва осмон
Етказиш-чун сенга улар бурда нон.
Ҳаммаси ухлмас, бедордир ҳар он,
Инсофдан эмасдир тутмасанг фармон.*

Ватанга хизмат – олий ҳиммат

Бирор юртга мансуб бўлган киши, албатта, ўша юртни ривожӣ учун ўз ҳиссасини қўшиши керак. Бу нарса ҳар бир инсоннинг фуқаролик бурчи ҳисобланади. Ватанга хизмат қилиш улӯғ фазиладир. Бу борадаги далил ва ҳужжатларни қисқача келтириб ўтамир.

Мисрга қаҳатчилик, қийинчилик йиллари келганида Юсуф алайҳиссалом унинг ҳокими Азизга юзланиб: “...у: **“Мени ернинг хазиналари устига қўй. Албатта, мен муҳофаза қилувчи ва билувчиман”**,⁵⁹ деган эди. Бу билан

⁵⁹ Юсуф сураси, 55-оят.

Юсуф алайҳиссалом жамиятга фойда етказишни мақсад қилганди.

Мусо алайҳиссалом: **“Бас, икковларига (ҳайвонларини) суғориб берди. Сўнгра сояга қайтди ва: “Эй Роббим, албатта, менга туширажагинг ҳар бир яхшиликка муҳтожман”, деди.**⁶⁰

Воқеа бундай бўлганди. Мусо алайҳиссалом Мадянга борди. Кўпчилик одамлар бир ҳовуздан ҳайвонларини суғораётган эди. Кун иссиқ, Мусо алайҳиссалом эса дарахтнинг соясида одамларни кузатиб, чарчоқларини чиқариб ўтирарди. Қараса, икки аёл бир чеккада қўйларини суғора олмай турибди. Секин уларнинг олдига бориб: “Сизларга нима бўлди?” деди. Улар: “Отамиз қари, мўйсафид, ишга ярамай қолган, ўзимиз эса кўпчилик эркакларни ичида қўйимизни суғоришга кучимиз етмаяпти”, дейишди. Шунда Мусо алайҳиссалом икковининг қўйини суғориб берди. Мусо алайҳиссалом бошқаларга хизматни ўзининг роҳатидан устун қўйди. Заифларга, айниқса, аёлларга ёрдам беришни ўзининг эркаклик бурчи деб билди.

⁶⁰ Қасос сураси, 24-оят.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мурувватларига қаранг! Хадича онамиз розияллоҳу анҳо бундай васф қиладилар: “Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сизни ҳеч хафа қилиб қўймайди. Чунки сиз рост гапирасиз, қариндошлар билан алоқани боғлайсиз, оғирни енгил қиласиз, меҳмондорчиликни жойига қўясиз ва ҳақ йўлдаги кишига қийинчилик етса, ёрдам берасиз”, дедилар.

Ватаннинг қандай ҳақлари бор?

Ҳар бир инсоннинг ватан олдида бир неча бурч ва вазифалари бор:

- Ватанга муҳаббатли бўлиш;
- яшаб турган ерининг тозалиги ва гўзаллигига ҳисса қўшиш;
- ер усти ва ости бойликларидан оқилона фойдаланиш;
- маданий ва маънавий меросни асраб-авайлаш, уни ўрганиш, ўргатиш ва келжак авлодга етказиш;
- табиатни муҳофаза қилиш (яъни, атроф-муҳитни ифлослайдиган ишларни қилиш билан ўша ерни яшаш учун яроқсиз ҳолга келтирмаслик);

– ватанни ташқи ва ички душманлардан ҳимоя қилиш;

– ўз она тилини сақлаш;

– ватан ривожини йўлида ақлий, жисмоний ва моддий имкониятларни сарф қилиш;

– бор имкониятни сафарбар қилиб ички фитна ва низоларнинг олдини олиш (чунки фитна-фасод аҳолини пароканда қилувчи энг катта бало ҳисобланади);

– аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида Ватан қадрини юксалтириш ва ҳар бир фуқаро қалбида Ватанга бўлган муҳаббат ҳиссини ошириш;

– қайси касб эгаси бўлишдан қатъи назар, ўз ишини сидқидилдан бажариш (чунки фуқаро меҳнати ортида юрт ривожини ва равнақини ётади);

– доимо дахлдорлик ҳиссини билан яшаш;

– ватандошлар билан чиройли муносабатда бўлиш, келажақ авлод тарбиясини йўлида барча қўлидан келган имкониятларни сафарбар қилиш.

Ватанга тегишли осори атиқалар ардоқланади

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ نَظَرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَى أَحَدٍ فَقَالَ: «إِنَّ أَحَدًا جَبَلٌ يُحِبُّنَا وَنَحِبُهُ»
(رَوَاهُ مُسْلِمٌ)

Анас ибн Молик розияллоху анхудан
ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоху алай-
ҳи васаллам Уҳуд тоғига қараб:
“Дарҳақиқат, Уҳуд бизни, биз уни яхши
кўрадиган тоғдир”, дедилар» (Имом
Муслим ривояти).**

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва
саллам Уҳуд тоғини яхши кўрардилар.
Ибн Ҳажарнинг ривоятида: “Расулуллоҳ
соллаллоху алайҳи ва саллам Уҳуд тоғи-
да юрганларида унинг шавқи келиб қи-
мирлади. Шунда ул зот оёқлари билан
тоғни тепиб: “Сокин бўл, эй Уҳуд!” деди-
лар”, дейилган.

Суҳайлийнинг ривоятида бундай
дейилади: “Расулуллоҳ соллаллоху
алайҳи ва саллам чиройли “фаъл” (я-
шиликка йўйиб қўйиш) ни ва чиройли

исмларни яхши кўрар эдилар. “Аҳадийя” калимасидан ясалган исм (Уҳуд) дан чиройли исм йўқ. “Уҳуд” сўзидаги ҳаракатлар (ҳарф остига ва устига қўйиладиган белгилар) рафъдир. Рафъ (биздаги “у” ҳарфига тўғри келади) сўзи – кўтариш, юксалтириш маъноларини англатади. Шу лафздан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Аҳаднинг дини қадри баланд кўтарилиши, олийларга юксалишини ҳис қилардилар. Шунинг учун унга бўлган муҳаббатлари ҳам сўзда, ҳам маънода боғланган эди.

Демак, биз ҳам юқорида айтилган сўзлардан ўзимизга керакли хулосалар чиқариб, уларни қўлдан келганча ҳаётимизга тадбиқ этиб боришимиз лозим. Биз ҳам доимо қадрли инсонлар, қардли нарсаларни яхши кўришимиз даркор. Бу борада суюкли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаммамизга ўрнак – намуна-дирлар.

Ватан номи улуғдир!

Ибн ал-Ҳож⁶¹ “Ал-мадҳал” китобида ёзади: “Шайх, имом Абу Абдуллаҳмон Соқоллий раҳматуллоҳи алайҳ: “Ҳар бир инсоннинг исмидан насибаси бор”, деган. Бу гап инсонлар учун айтилган бўлса-да, бошқа нарсалар учун ҳам ишлатилаверади”.

Араб тилида нисбат тушунчаси мавжуд. Яъни инсонни бирор-бир касб ёки туғилган ерга мансуб эканлигини билдирувчи **ي** – ёи ҳарфининг қўлланиши. Масалан, Самарқандий (самарқандлик), Бухорий (бухоролик) каби.

Кўпинча олимлар исмларини ватанлари номи билан боғлаб нисбат олганлар. Бу ҳам бўлса ўз юртларини дунёга танитиш, унга бўлган муҳаббатни шу орқали изҳор қилиш, доим ўзини ўша заминга мансуб, алоқадор эканлигини ҳис қилиш ва ҳоказо...

⁶¹ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Ибн ал-Ҳож Моликий Фосий. Туғилган йили ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Асарлари: “Ал-мадҳал”, “Шумусул анвор ва кунузул асрор” ва “Булуғул қосд” (Аллоҳ таолонинг гўзал исмлари ҳақида). Милодий 1336 йилда Қоҳирада вафот этган.

Инсонга энг қадрли нарса унинг исми бўлади. Ўтган аждодларимиз кўп ҳолларда ўша энг қадрли нарса қолиб, ундан-да қадрли бўлган Ватан номи билан номланишни яхши кўрганлар. Баъзан муҳаддислар султони ким бўлган дейилса, Муҳаммад Исмоил дейиш хаёлга келмайди. Ҳаёлга энг тез келадиган жавоб “Имом Бухорий” дир.

Билиб қўйган яхши!

Сийрат китобларида келтириладикки, хунук исмларни чиройлисига ўзгартириш Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг одатлари бўлган. У зот Мадинага келганларида у ернинг номи Ясриб эди. Ясриб – ёмонлик маъносини англатгани учун унинг ўрнига Тойба – яхшилик номини бердилар.

Туз ҳақи

(Ибратли ҳикоя)

Бир ўғри қоронғи кечада ер остидан лаҳм ковлаб, подшоҳнинг хазинасига

кирди. У ердаги олтин ва қимматбаҳо гавҳардан бир рўмол тўлдириб олди. Чиқиб кетиш олдида олмосдек ялтираб турган бир нарсага кўзи тушди. Қоронғи тунда ярқираб турган бу нарсани гавҳари шамчироқ деб ўйлади-да, қўлига олиб ялаб кўрди. Бу қотиб қолган туз эди. Ўғри олган нарсаларини жой-жойига қўйиб, ҳеч нарсани олмай, лаҳм орқали чиқиб кетди. Эртаси кун эрталаб хазиначи подшоҳга келиб:

– Ўғрилар лаҳм ковлаб хазинага кирганлар. Қизиги шуки, ўғирлаган қимматбаҳо нарсаларини яна жой-жойига қўйиб, чиқиб кетганлар, – деб арз қилди.

Подшоҳ бунга таажжуб қилиб:

– Лаҳм ковлаб, хазинамга кириб, қимматбаҳо нарсалардан бирортасини ҳам олмай чиқиб кетган ўғрилар келиб, бунинг сабабини айтсинлар. Мен уларга ҳеч бир жазо бермайман, – деб эълон қилди. Хазинага кирган ўғри подшоҳнинг эълонини эшитиб, унинг ҳузурига келди ва таъзим қилиб айтди:

– Хазинангизга лаҳм ковлаб фақат мен ўзим кирдим, бунга бошқаларнинг дахли йўқдир.

Подшоҳ ўғридан:

– Хўп, шунча меҳнат билан лаҳм ковлаб, хазинамга кирсанг ҳам, ҳеч нарса олмай чиқиб кетгансан, бунинг сабаби нима? – деб сўради.

Ўғри:

– Подшоҳнинг тузини тотиб кўрдим. Туз ҳақиға риоя қилиб, ҳеч нарса олмай, қайтиб кетдим. Туз ҳақиға риоя қилмаслик ярамас кишилар иши, – деб воқеани баён қилди.

Подшоҳ ўғрига инъом-эҳсон қилиб, уйига қайтишга рухсат берди.⁶²

Демак, ким бир жойнинг тузини тотган бўлса, у ўғри бўладими ёки тўғри ўша жой, ўша ер унинг учун ҳурматга, эҳтиромга лойиқ масканга айланади. Шундай экан, яхшиликка фақат яхшилик билан жавоб қайтармоқ даркор! Зеро, халқимизда ҳам катталарнинг: “Тузини еб, тузлиғига туфлама”, деган насиҳат бежизга айтилмаган.

⁶² Таржимон ва тўпловчи: Шорасул Зуннун. “Оз-оз ўрганиб доно бўлур” китоби. (Донишмандлар бисотидан ҳикоялар, ўғитлар, ҳикматлар) Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988 йил.

Ватаннинг ёмони бўлмас!

Бирор жойда Ватанга нисбатан “яхши жой” ёки “ёмон жой” деган сўзни эшитмаймиз, учратмаймиз. Чунки бундай тушунчанинг ўзи дунёда йўқ. Ватан эмас, балки, унинг устида яшаётган инсонлар яхши ва ёмон бўлади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ватанларини тарк этаётиб орқаларига қайта-қайта қараб: ***“Эй Макка! Сен қандай гўзал (хуш) шаҳарсан! Сен менга қандай суюклисан! Агар қавмим мени сендан чиқармаганларида эди, бошқада турмасдим”***, деганлар. Ваҳоланки, ўша вақтлар Макка шаҳрида шароб ичилар, бутларга ибодат қилинар ва бошқа гуноҳ ишлар кўп эди. Шундай бўлса-да, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ватанларига бўлган муҳаббатни жуда гўзал сўзлар орқали изҳор қилдилар. Бу эса юқоридаги, ватан ёмон бўлмайди, балки унда яшаётган инсонлар ёмон бўлади, деган фикримизни исбот-далилидир.

Ҳакимлардан бири ўз шогирдларига Ватанга муҳаббат ҳақида таъсирли ҳикояни сўзлаб берди:

“Ватан фарзандлари учун қадрлидир. У ҳар бир инсон ҳаётидаги энг қиммат-баҳо нарсадир. Ватан қашшоқ, чўл, тоғ, ўрмон, сув, қум, тош ва тиконли бўлсин, барибир, у фарзандлари учун суюкли бўлиб қолаверади. Сизларга бу маънони қувватловчи бир ҳикояни айтиб бераман.

Африкалик қора танли бир ҳомиладор аёл кечаси туғуруқхонага келтирилди. Ўша ерда фарзандини дунёга келтирди. У ўзига ўхшаш қора танли, лекин истараси иссиқ фарзанд кўрганди. Она шодликдан ўзини кўярга жой тополмасди. Лекин унинг шодлиги узоққа чўзилмади.

Тун қоронғисида ўғрилардан бири болани олиб қочди. Излаб топа олмадилар. Онанинг ақли кетаёзди. Чуқур қайғуга ботди. Кўзлари ёшга, қалби аламга тўлди. Қани энди жигар порасини қайтаришса... Лекин бунинг иложи бўлмади. Туғуруқхонада бир ёши катта шифокор аёл ишлар эди. “Қизим аҳволингни тушуниб турибман. Қанча ҳаракат қилдик, ўзинг кўрдинг. Мана бу она-сидан ажраган европалик чақалоқни

ол. Европалик чақалоқ жуда чиройли, сочлари тим қора, ранги тиниқ, оппоқ эди. Бу йўқотган боланг ўрнига”, деди доя. Она таклифни ўйлаб ўтирмай рад қилди. Чунки она учун бошқанинг боласи ўз боласидек суюкли, азиз ва қадрли бўлмайди. Чунки бола унинг бағридан чиққан... Ватан ҳам худди шундай ... У паст-баланд... ўнқир-чўнқур... ноқулай бўлиши мумкин. Лекин у барибир ватанлигича қолаверади”.

Юртингизга Худо назар қилган...

Бир улуғ зотнинг зиёратига кирган киши насиҳат сўради:

– Менга шундай насиҳат қилингки, аввало, ўзим амал қилай, қолаверса, юртдошларимга ҳам етказай.

– Қайси юртдансиз?

– Ўзбекистондан.

– Бўлмаса, эшитинг. Аллоҳ таоло қайси инсонга раҳмат назари билан қараса, уни авлиёлик мақомига кўтариб қўяди. Назари илоҳийга сазовор бўлган киши Аллоҳнинг дўстига айланади. Кун ке-

либ, ўша авлиё оламдан ўтса, раҳмат назари у билан бирга кетади.

Аммо, қаранг, Аллоҳ таоло қай бир юртга раҳмат назари билан қараса, у то қиёматгача ўша жойдан кетмайди. Аллоҳ таоло сизларнинг юртингизга раҳмат назари билан қараган. Ҳали ҳам бўлса, ўқиса, ўрганса, Бухорий, Замахшарий, Марғилонийдек зотлар чиқади, албатта! Бунга шубҳа йўқ.

Ватан ҳақида ёзилган китоб ва рисоалар

Ватан ҳақида алоҳида китоб ва рисоалар ёзилган. Жумладан:

Абу Усмон Умар ибн Баҳр Жоҳиз. “Ал-ҳанин илал автон”. “Дор ар-роид ал-аробий”, Байрут, Лубнон, 1982 йил.

Солиҳ ибн Жаъфар ибн Абдулваҳҳоб Ҳошимий Солиҳий Ҳалабий. “Ал-ҳанин илал автон”.

Имом, ҳофиз Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад Саъоний. “Ан-нузу илал автон”.

Абу Ҳотим Саҳл ибн Муҳаммад Сижистоний. “Аш-шавқ илал автон”.

Абу Ҳайён Али ибн Муҳаммад. “Ал-ҳанин илал автон”.

Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Абдурахмон Халлод Ромҳурмузий. “Ал-манаҳил вал аътон вал ҳанину илал автон” ва бошқалар.

Ватан ва ватанпарварлик ҳақида ўзбек халқ мақоллари

*Айрилмагин элингдан,
Қувват кетар белингдан.*

*Балиқ сув билан тирик,
Одам – эл билан.*

*Ватангадо бўлгунча,
Кафангадо бўл.*

Ватанинг тинч – сен тинч.

*Она юртинг омон бўлса,
Ранги рўйинг сомон бўлмас.*

Ўз уйим – ўлан тўшагим.

*Ўз юртингни қадри
Ўзга юртда билинар.*

Бегона тупроқ – девона тупроқ.

Ватан гадоси – кафан гадоси.

*Ватан қадрини билмаган
ўз қадрини билмас.*

*Ватандан йироқлашган –
номусдан ўлар.*

*Душманга нафрати бўлмаганнинг
Ватанга муҳаббати бўлмас.*

*Ёридан айрилган етти йил йиғлар,
Юртидан айрилган ўлгунча йиғлар.*

*Кўрпанг қаерда бўлса,
Кўнглинг шу ерда.*

*Нон гадоси бўлсанг ҳам,
юрт гадоси бўлма.*

Она юртинг – олтин бешигинг.

Туққан ерда туғинг тик.



Туққан элга жон тортмаса ҳам,
қон тортар.

Урса ҳам, эл яхши,
Сўкса ҳам, эл яхши.

Экин ерида кўкарар,
Эр – элида.

Эл бор бўлса, эр хор бўлмас,
Эр бор бўлса, эл хор бўлмас.

Эл бошига кун тушса,
Эл яратган эр келар.

Эл бошига тушгани –
Эр бошига тушгани.

Эл тилагин тилагин,
Синиқ кўнглин сийлагин.

Эл эгасиз бўлмас,
Тўн – ёқасиз.

Элга манзур – эрга манзур.
Элга хизмат – олий ҳиммат.

Элга қўшилганнинг кўнгли тўқ,
Элдан ажралганнинг бети йўқ.

Элга қўшилсанг, эр бўласан,
Элдан ажралсанг, ер бўласан.

Элда бори – сенда бори.

Элдан айрилгунча, жондан айрил.

Элига вафо қилган
Ёвига жафо қилар.

Элим бошқа деган, эл бўлмас.

Элинг сенга чўзса қўл,
Унга доим содиқ бўл.

Элнинг бахти – эрнинг бахти.

Эр боласи – эл боласи.

Эр давлати – элида.

Эр йигит элга тортар.



Эр йигит ўзи учун туғилар,
Эли учун ўлар.

Юрт бошига иш тушса,
Эр йигит ҳозир.

Юрт қўрисанг, ўсарсан,
Қўримасанг, тўзарсан.

Юрти бойнинг ўзи бой.

Юртинг омон – ўзинг омон.

Юртни дедим, юзга кирдим.

Яхши йигит юрт тузар,
Ёмон йигит юрт бузар.

Ўз юртингнинг қадри
Ўзга юртда билинар.

Ўзга юртнинг боши бўлгунча,
Ўз юртингнинг тоши бўл.⁶³

⁶³ “Ватан ва ватанпарварлик” ҳақидаги мақоллар Ziyo.uz сайтидан олинди.

УЧИНЧИ БОБ

ВАТАН ҲИМОЯСИ – ОЛИЙ ФАЗИЛАТ

- Далил ва ҳужжатлар
- Ҳикматлар

Далил ва ҳужжатлар

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «عَيْنَانِ لَا تَمَسُّهُمَا النَّارُ أَبَدًا: عَيْنٌ بَاتَتْ تَكْلَأُ الْمُسْلِمِينَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ، وَعَيْنٌ بَكَتْ مِنْ خَشْيَةِ اللَّهِ».

(رَوَاهُ أَبُو يَعْلَى هَذَا إِسْنَادٌ رِجَالُهُ ثِقَاتٌ).

Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Икки кўзни ҳаргиз (дўзах) ўт тутмайди: Аллоҳнинг йўлида муслмонларни қўриқлаб тонг оттирган

кўз ва Аллоҳдан қўрқиб йиғлаган кўз”, дедилар» (Абу Яъло ривояти, ҳадис са-
надидаги кишилар ишончлидир).

عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ
اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «عَيْنَانِ لَا تَمْسُهُمَا
النَّارُ: عَيْنٌ بَكَتْ مِنْ خَشْيَةِ اللَّهِ، وَعَيْنٌ بَاتَتْ تَحْرُسُ فِي
سَبِيلِ اللَّهِ».
(رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ)

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ри-
воят қилинади:

**“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва
салламдан эшитдим: “Икки кўзни дў-
зах ўти тутмайди: Аллоҳдан қўрқиб
йиғлаган кўз ва Аллоҳнинг йўлида
қўриқлаб тонг оттирган кўз”, деди-
лар”** (Имом Термизий ривояти).

عَنِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ
وَسَلَّمَ قَالَ: «أَلَا أُنبِئُكُمْ بِلَيْلَةٍ أَفْضَلُ مِنْ لَيْلَةِ الْقَدْرِ
حَارِسٌ حَرَسَ فِي أَرْضٍ خَوْفٍ لَعَلَّهُ أَنْ لَا يَرْجِعَ إِلَى أَهْلِهِ».
(رَوَاهُ الْحَاكِمُ وَالتِّرْمِذِيُّ وَهُوَ صَحِيحٌ)

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Сизларга Лайлатул Қадрдан афзал кеча ҳақида хабар берайми?! У аҳлига қайтмаслик эҳтимоли бор, хавфли ерда посбонлик қилган кўриқчи(нинг кечаси)дир”, дедилар” (Имом Ҳоким ва Байҳақий ривояти, саҳиҳ ҳадис).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَوْقِفُ سَاعَةٍ فِي سَبِيلِ اللَّهِ، خَيْرٌ مِنْ قِيَامِ لَيْلَةٍ الْقَدْرِ عِنْدَ الْحَجَرِ الْأَسْوَدِ» رَوَاهُ ابْنُ حِبَّانَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَهُوَ صَحِيحٌ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аллоҳнинг йўлида бироз туриш Ҳажарул асваднинг ёнида Қадр кечасини қоим қилишдан афзалдир”, дедилар” (Ибн Ҳиббон ва Байҳақий ривояти, саҳиҳ ҳадис).

Мусулмонларнинг қонлари, обрўлари, юртлари, молларию жонларини сақлаш

учун ухламай тонг оттирган кишига шундай улкан даража берилар экан.

Қадр кечасини қоим қилиб, ухламай, гарчи бу бедорлик Ҳажарул асваднинг олдида бўлса ҳам, унинг фойда-савоби ўша одамнинг ўзига бўлади. Ватан сарҳадларини қўриқлашнинг фойдаси эса кўпчиликка ва жамиятга ҳам етади.

Ҳикматлар

Ватан муҳаббати дабдаба ва ҳашам эмас. Балки у душманларга қарши юрт ҳимоясида туришдай вожиб саналган, ундан узрсиз қолиб бўлмайдиган шаръий вожиб амалдир.

Икки кишини тарих эсдан чиқармайди: Ватан ҳимоячиси ва Ватан хоинини.

Уламолар ватанни севиш ва уни ҳимоя қилишни шаръий вожиб дейдилар.

Ислом ватанга муҳаббат қўйиш ва мансубликни ақиданинг бир бўлаги этиб, ватан тупроғини ҳимоя қилишни муқаддас бурч қилиб қўйди.

عَنْ عَمْرِو بْنِ دِينَارٍ أَنَّهُ سَمِعَ جَابِرَ بْنَ عَبْدِ اللَّهِ يَقُولُ
 دَخَلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى أُمِّ مَعْبَدٍ حَائِطًا
 فَقَالَ: «يَا أُمَّ مَعْبَدٍ مَنْ غَرَسَ هَذَا النَّخْلَ أُمْسَلِمٌ أَمْ
 كَافِرٌ». فَقَالَتْ بَلْ مُسْلِمٌ. قَالَ: «فَلَا يَغْرِسُ الْمُسْلِمُ
 غَرْسًا فَيَأْكُلَ مِنْهُ إِنْسَانٌ وَلَا دَابَّةٌ وَلَا طَيْرٌ إِلَّا كَانَ لَهُ
 صَدَقَةٌ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ»
 (رَوَاهُ مُسْلِمٌ)

Амр ибн Динор розияллоху анхудан
 ривоят қилинади:

**У Жобир ибн Абдуллоҳдан ушбу ҳа-
 дисни эшитганини ривоят қилади:**
**“Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва-
 саллам Умму Маъбаднинг боғига ки-
 риб:**

Эй Умму Маъбад! Бу хурмони ким
 эккан? Муслмонми ёки кофир? – деб
 сўрадилар.

Муслмон эккан, – деди Умму Маъбад.
 Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алай-
 ҳи васаллам:

Қайси бир муслмон дарахт экса, ун-
 дан инсонми, ҳайвонми, қушми еса, у
 учун қиёматга қадар садақа бўлади, –
 дедилар”.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مُحْصِنٍ الْأَنْصَارِيِّ الْخَطْمِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ «مَنْ أَصْبَحَ مِنْكُمْ آمِنًا فِي سِرِّهِ، مُعَافًى فِي جَسَدِهِ، عِنْدَهُ قُوتُ يَوْمِهِ، فَكَأَنَّمَا حِيزَتْ لَهُ الدُّنْيَا بِحَدَافِيرِهَا».
(رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ)

Убайдуллоҳ ибн Миҳсон Ансорий Хотмий розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ким манзили тинч, тани саломат, бир кеча-кундузлик озуқаси бор ҳолда тонг оттирса, гўё унга бутун дунё тўлалигича берилибди”, дедилар» (Имом Термизий ривояти).

Ҳадиси шарифнинг ҳаётимиздаги ўрнига бир эътибор қаратайлик.

Эрталаб уйқудан туриб, кўзимизни очдик, демак, ҳаёт эканмиз. Аллоҳ яна яшаш имконини берибди. Сўнг атрофга қараймиз: ҳамма жой тинч, осуда. Уй ҳам тинч. Ўғри тушмаган, душманнынг хавфи йўқ. Биров эшигимизни тақиллатиб безовта қилмаган. Ўзимизга қараймиз: танимиз саломат, аъзолардан шикоят йўқ. Уйимизда эса қорнимиз тўядиган

озик-овқатимиз бор. Дам оладиган уйимизга эгамиз. Бировга ялинмаймиз. Дунёда инсон учун ҳақиқатда бундан ортиқ неъмат борми?!

Шукр келтириш ҳақида ҳам икки оғиз сўз. Аллоҳ таоло Ўз каломида шундай дейди: **“...Қасамки, агар шукр қилсангиз, албатта, сизга зиёда қилурман”**⁶⁴.

Улуғлар ҳаётидан мисол келтирсак. Ибн Абулҳаварий раҳматуллоҳи алайҳ айтади: “Кўпинча, Фузайл ибн Иёз билан Суфён ибн Уяйна Аллоҳ таолонинг берган неъматларини санаб тонг оттирар эдилар”.

Яратганнинг берган неъматларини санаб, эътироф қилиб ва мана шу неъматлар қадрини, самарасини амалий ҳаётда кўрсатиб яшашимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Жаннатмонанд ватанда мусаффо осмон остида яшаш бахтини берган Аллоҳ таолога канча шукрона келтирсак ҳам оз.

⁶⁴ Иброҳим сураси, 7-оят.



ТҶҢРТИНЧИ БОБ



ВАТАНГА ХИЁНАТ – ОҒИР ЖИНОЯТ

- Хиёнат қилиш катта гуноҳдир
- Ватанга хиёнат – оғир жиноят
- Тарихдан намуна
- Ватанга хиёнат
- Ватанга хиёнат ва душманлик қилиш мумкин эмас!

Хиёнат қилиш катта гуноҳдир

Хиёнат энг разил, энг жирканч, бир неча ёмонликларни ўзида мужассам қилган қабиҳ амалдир.

Хиёнат вафодорликнинг зиддидаги иш бўлиб, гуноҳи кабиралардан ҳисобланади. Аллоҳ таоло бу иллатдан қаттиқ қайтарган. Хиёнатни ва хиёнатчини Аллоҳ суймайди.

إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْخَائِنِينَ

“...Албатта, Аллоҳ хоинларни севмас”.⁶⁵ Хиёнат мунофиқликнинг белгиларидан бири ҳисобланади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «آيَةُ الْمُنَافِقِ ثَلَاثٌ. إِذَا حَدَّثَ كَذَبَ وَإِذَا أُؤْتِمِنَ خَانَ وَإِذَا وَعَدَ أَخْلَفَ».
(رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ)

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

⁶⁵ Анфол сураси, 58-оят.

“Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Мунофиқнинг белгиси учтадир: гапирса, ёлғон гапиради, омонат қўйилса, хиёнат қилади ва ваъда берса, бажармайди”, дедилар” (Имом Бухорий ривояти).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам дуоларида хиёнатдан паноҳ сўраб: “Эй Аллоҳим! Мен Сендан хиёнатдан паноҳ сўрайман. Чунки у ёмон хислатдир”, дер эдилар.

Хиёнатнинг энг ёмон кўринишлари: Аллоҳга, Расулига, инсонларга, неъматларга ва Ватанга хиёнат қилишдир. Ватанга хиёнат – Аллоҳга ва Расулуллоҳга қилинган хиёнатдир. Чунки Аллоҳ ва Унинг Расули яхшилик қилишга, вафодор бўлишга, неъматларни қадрлаш ва шукрини адо этишга чақиради.

Ватан хоини – динни ўйин қилувчи, одамлар тинчини бузувчи, обод жойларни барбод қилувчи, энг асосийси, инсонлар билан Ватани ва жамияти ўртасидаги алоқаларни узишга тарғиб қилувчи кимсадир.



Қуйида ватан хоини ким, унинг қандай сифатлари бор, хоинликнинг оқибати ва хунук хотимаси қандай, деган саволларга жавоб оламиз.

Ватанга хиёнат – оғир жиноят

Ватан хоини ўз хиёнати билан фақатгина ватанига эмас, ўз оиласи, маҳалласи, яқинлари, ошна-оғайнилари, қолаверса, хулқига, ўзига хиёнат қилган бўлади. Хоинда бирорта эътиборга молик яхши хислат қолмайди. Уни тўрт томондан хиёнат ўраб олади. Ундан ўлиб ҳам қутула олмайди. Ундай нобакорларнинг жазоси нафақат дунёда, балки охирада ҳам қаттиқ бўлади.

Ҳикмат

Хоин гарчи бошига иккита тож кийса ҳам, у барибир хоиндир.

Ватанга хиёнат қилган чоғинг ўлар кунингда сенга ғамхўрлик қиладиган тупроқни топа олмайсан! Сен, ҳаттоки, оламдан ўтган бўлсанг-да, ўша вақт қалтироқни сезасан!!!

* * *

Кишининг ватани ободлиги йўлида-
ги қисқа умри унга хиёнат қилиб, ёр-
дам беришдан қўрқиб узоқ яшаганидан
минг карра яхшироқ!

* * *

Ватан ерига душманнинг қадам
қўйишига сабаб бўлган киши ватан
хоинидир.

* * *

Икки кишини тарих эсдан чиқармай-
ди: Ватан ҳимоячиси ва ватан хоинини.

Тарихдан намуна

Биринчи мисол

Инсонлар азалдан Ватанга хиёнат
қилишни энг ёмон жазога лойиқ қабиҳ-
лик деб билишган.

Ибн Ҳишом⁶⁶ раҳматуллоҳи алайҳ

⁶⁶ Ибн Ҳишом. Тўлиқ исми: Абу Муҳаммад Жа-
молуддин Абдулмалик ибн Ҳишом ибн Айюб Ҳимья-
рий Маъафирий Басрий. Машҳур ислом тарихчи-
лардан бири. Басрада туғилган. Туғилган йили
ҳақида маълумотлар йўқ. Милодий 828 йилда
Мисрда вафот этган. Энг машҳур асари сийратга
доир “Ас-сийратун набавийя” ёки “Сийрату Ибн Ҳи-
шом” дир. У Сийрат китобларнинг асосий манбаи
ҳисобланади.



ўзининг машҳур ва мўътабар сийрат китобида қуйидагиларни келтирган:

Абраҳа бир ибодатхона қурдирди. У ҳожиларни Байтуллоҳга эмас, ўзи қурдирган ўша ибодатхонага буриб юборишни хоҳларди. Шунда араблардан бир киши бориб, нажосат чиқариб, унинг деворига суркайди. Ғазабланган Абраҳа эса Каъбани бузишни қасд қилиб, унинг учун қўшин ва филларни йўлга ҳозирлайди. Тоифга етганларида Масъуд ибн Матъаб чиқиб:

– Эй Подшоҳ! Албатта, биз сенинг кулларингмиз. Сенга қулоқ соламиз, сенга итоат қиламиз. Биз сенга йўл кўрсатадиган кишини жўнатамиз. Унинг олдида Абу Риғолни Маккагача йўл кўрсатувчи қилиб юборишди.

Йўлда Абу Риғол вафот этди. Араблар унинг қабрини тошбўрон қилишди. Ўша тошбўрон қилинган қабр Муғаммасда жойлашган.

Шундай қилиб қадим араб тарихида Абу Риғолдан бошқа бирор-бир инсон хоин сифатида танилмаган.

Иккинчи мисол

Хоинлардан бири Наполеонга⁶⁷ ўз ватани аскарлари тайёргарлиги тўғрисидаги муҳим хабарни етказди. Наполеон уни катта хурсандчилик билан қарши олди. Чунки бу сир кейинчалик Наполеонни урушда ғолиб бўлишида хизмат қиларди. Шундай ҳам бўлди. Ғалабадан сўнг Наполеон хоинга ғазаб билан юзланди. Отидан тушмай, бир ҳамённи чиқариб, у томон отди.

– Молга ҳожат йўқ! Мақсадим император билан қўл олиб кўришиш, холос, – деди хоин.

Наполеон эса:

– Ватанига хиёнат қиладиган, миллатини зарари учун душманига тилёғламалик қиладиган кишига фақат мол берилади. Императорнинг қўлига келсак, уни ишончли, олижаноб кишиларгина ушлайди!

⁶⁷ Наполеон Бонапарт. Император Наполеон номи билан машҳур. Француз императори. 1769 йил 15 августда Франциянинг Корсика деган жойида туғилган. Франция ва бутун Оврупани остинустин қилиб юборган қаҳри қаттиқ императорлардан бўлган. Сайнт Хеленада (Saint Helena) 1821 йил 5 майда вафот этган.

Шаҳри ва ватанига хоинлик қилган киши отасининг уйидан ўғриларни таомлантириш учун ўғирлик қилган кишига ўхшайди. На уни отаси кечиради, на ўғрилар мукофотлайди!

Наполеон

Ватанга хиёнат

(Уламолар фатволаридан)

Ҳасан Маъмун⁶⁸

(Миср Араб Республикаси
собиқ муфтийси)

Муфтий жаноблари “Ватанига хиёнат қилаётган мусулмонлар борасида ислом шариатининг ҳукми қандай?” де-

⁶⁸ Шайх Ҳасан Мустафо Маъмун ҳижрий 1311 йил зулҳижжа ойининг 10-куни (милодий 1834 йил 13 июнда) Қоҳира шаҳрида туғилган. У ёшлигида Қуръони каримни тўла ёд олган. Кейинчалик Азҳар университетида ўқиган. 1955 йил март ойидан то 1964 йил 26 июл ойига қадар Миср Араб Республикасида муфтий сифатида фаолият юритган. Муфтийлик даврида 12 311 та фатво берган. 1964 йилда Азҳар университетининг 39-шайхи этиб сайланган. Шайх Ҳасан 1973 йил 19 майда вафот этди.

ган саволларга қуйидагича жавоб беради: “Ислом шариати ҳар бир мусулмонга ўз Ватанига қаратилган ҳар қандай душманликка қарши юртдошлари билан биргаликда елкама-елка туришликни вожиб қилади. Аллоҳ айтади: **“Ушбу биргина миллат – сизларнинг миллатларингиз ва Мен Роббиларингиз ва Менга ибодат қилинглр”** (Анбиё сураси, 92-оят).

Агар мусулмонлар тинч-тотув яшаётган мамлакатга бошқа бир хорижий ҳукумат томонидан тўлиқ ёки қисман босиб олиш ниятида ё бошқа сабаб билан зўравонлик содир этилса, мазкур мамлакат мусулмонларининг ҳар бирига ушбу босқинчиликка қарши курашишлари фарз (фарзи айн) бўлади. Бу вожибни бажаришда бепарволикка йўл қўйса, динига ва ватанига хиёнат қилган ҳисобланади. Айниқса, душманларига мойиллик кўрсатган ва қайси йўл билан бўлса-да, уларни қўллаб-қувватлаганлар ҳақиқий дин хоини бўлади. Ватанга ва динга қилинган хиёнатни ислом қаттиқ қоралайди, у юз берган вақтда жиноятчини тийиб қўядиган,

унинг ёмонлигидан мусулмонларни ҳимоя қиладиган ва бошқаларни бу ишдан тўхтатиб қола оладиган жазони қўллаш ҳукумат раҳбарларига ҳавола этилади. Мазкур жиноятнинг критерияларини ислом шариати белгилаб бермади. Уни белгилашни раҳбарларга қолдирди. Демак, ватанфурушларнинг жазоси мамлакат раҳбарларининг ҳукмига ҳавола бўлиб, қилмишларига яраша жазо беришни ислом дини уларга топширган.

Ибн Обидин китобининг 3-қисмида бундай дейилган: “Жиҳод душман хужум қилган ҳолатда ҳар бир шахснинг мажбурияти (фарзи айн) га айланади. Бунда, яъни душман юртга бостириб кирганда, ватан ҳимояси учун барча курашади. Мазкур ҳолат ушбу мамлакат аҳолиси учун умумий сафарбарлик дейилади. Мусулмонлардан бу фикрга қўшилмаган бирортасини билмайман. Ояти карима ҳам агар кофирлар мусулмонларга қарши зўравонликни бошлаб жанг қилсалар, улар билан уришиш вожиб эканлигини баён қилади. Аллоҳ таоло айтади: **“Сизлар билан урушаётганлар билан Аллоҳ йўлида жанг қилингиз,**



лекин ҳаддан ошмангиз, зеро, Аллоҳ ҳаддан ошувчиларни яхши кўрмайди. Уларни қаерда топсангиз ўлдириш ва сизларни чиқариб юборишган жойдан чиқариб ташланг. Фитна кўзғаш ўлдиришдан ёмонроқдир. Масжидул ҳаромда токи ўзлари сизлар билан жанг қилмагунларига қадар улар билан жанг қилманг! Агар тўхтасалар, Аллоҳ Мағфиратли ва Раҳимдил (Зотдир). Сизлар фитна бўлмаслиги ва дин Аллоҳга хос бўлсин учун улар билан урушинг. Агар тўхтасалар, (сизлар ҳам тўхтанглар), зеро, золимлардан бошқаларга зўравонлик йўқ” (Бақара сураси, 190–193-оятлар)”.⁶⁹

Ватанга хиёнат ва душманлик қилиш мумкин эмас!

Доктор Закий Усмон (Азҳар университети ислом маданияти факультети устози): “Инсон қанчалар зулм ва қаҳр-

⁶⁹ Савол “Таҳрир” журнали мухбири томонидан берилган. Фатво ҳижрий 1367 йил жумодул увло, милодий 1956 йил 5 декабрда ёзилган. “Ислом маърифати: аслият ва талқин” китобидан иқтибос олинди.

га йўлиқмасин, ўз Ватанига душманлик қилиши, унинг қадрятларига “эга чиқиши”, бойликларини беҳуда совуриши мумкин эмас. Шунингдек, мусулмон ҳам ўз Ватанига хиёнат қилиши ёки уни қанча пул берилса-да, сотиши мумкин эмас. Чунки зулм ватани томонидан эмас, ўзига ўхшаган инсон томонидан бўлади. Ватан эса ўз фуқароларидан ғанимлар қанчалик “ислоҳ қилиш” шиорларини кўтариб чиқмасин, биз бугун кўраётган беҳуда ишлар ва вайронагарчиликларга ҳақли эмас!

Бас, бузғунчилик қилиш, ватанларни вайрон этиш билан ер юзини ўнглаш мумкин эмас.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Имом Фахруддин Розий. Тафсирул кабир. Миср, “Матбаъатул баҳийя ал мисрийя”, 1938 йил.

2. Абу Ҳайён. Тафсирул баҳрул муҳит. Байрут, Лубнон, “Дорул кутубил илмийя”, 2001 йил.

3. Абулбаракот Насафий. Мадорикут танзил ва ҳақоикут таъвил. Қоҳира, 1433 ҳ/с.

4. Хатиб Ширбиний. Ас сирож ал мунир. Байрут, “Дорул кутубил илмийя”.

5. Қози Абу Бакр. Аҳкомул Қуръон. Байрут, Лубнон, “Дорул кутубил илмийя”, 1996 йил.

6. Абдулқодир Мулло Ҳавиш. Баёнул маъоний. Дамашқ, “Матбаъатут тараққий”, 1382 ҳ/с.

7. Ваҳба Зухайлий. Тафсирул мунир. Дамашқ, “Дорул фикрил муъасир”, 1418 ҳ/с.

8. Ваҳба Зухайлий. Тафсирул васит. Дамашқ, “Дорул фикр”, 1422 ҳ/с.

9. Муҳаммад ибн Исмоил ал Бухорий, “Саҳиҳи Бухорий”. Байрут, “Дору ибни Касир”, 1987 йил.

10. Саҳиҳи Муслим. “Дору ихё ат турс ал арабий”, Байрут.

11. Имом Аҳмад. Муснади Аҳмад. Байрут, Лубнон, “Муассасатур рисола”, 1999 йил.

12. Имом Термизий. “Дору ихё ат турс ал арабий”, Байрут.

13. Абу Довуд. Сунани Абу Довуд. Байрут, Лубнон, “Ал мактабатул асрийя”.

14. Абу Яъло. Муснади Абу Яъло. Дамашқ, “Дорул Маъмун лит турс”, 1984 йил.

15. Имом Дорақутний. Сунани Дорақутний. Байрут, Лубнон, “Дорул кутубил илмийя”, 1996 йил.

16. Имом Ҳоким. “Мустадракул Ҳоким”. Байрут, Лубнон, “Дорул кутубил илмийя”, 1990 йил.

17. Имом Байҳақий. Ас сунан ал кубро. Ҳайдаробод, “Доиратул маъориф”, 1344 ҳ/с.

18. Имом Табароний. Ал мўъжам ал кабир. Дамашқ, “Мактабатул улум вал ҳикам”, 1983 йил.

19. Ибн Ҳиббон. Саҳиҳи Ибн Ҳиббон”, Байрут, “Муассасатур рисола”, 1993 йил.

20. Иброҳим Ҳарбий. Ғарибу ҳадис. Макка, “Жомеъату уммил қуро”, 1405 ҳ/с.

21. Ибн Ҳажар. Фатҳул Борий. Фатҳул Борий шарҳу саҳиҳил Бухорий. Байрут, Лубнон, “Дорул кутубил илмийя”, 1997 йил.

22. Бадруддин Айний. Умдатул қорий шарҳу саҳиҳил Бухорий. Миср, “Идора-тут тибаъа ал мунира” .

23. Ибн Баттол. Шарҳу саҳиҳил Бухорий. Риёз, “Мактабатур рушд”, 2003 йил.

24. Имом Нававий. Шарҳи саҳиҳи Муслим. Байрут, “Дору ихё ат турос”, 1392 ҳ/с.

25. Аллома Муновий. Файзул Қодир. Байрут, Лубнон, “Дорул кутубил илмийя”, 1994 йил.

26. Муҳаммад Зурқоний. Шарҳуз Зурқоний ала муваттоил имам Ал Молик. Байрут, Лубнон, “Дорул кутубил илмийя”, 1411 ҳ/с.

27. Имом Зайлаъий Табйинул ҳақоиқ. Миср, “Дарул кутибил исламий”, 1314 ҳ/с.

28. Имом Қарофий. Аз захира. Байрут, Лубнон, “Дарул ислом”, 1994 йил.

29. Ибн ал-Ҳож. Ал-мадхал. Миср, Искандария, “Дорур райён лит турос”.

30. Абу Наим. Ҳилиятул авлиё. Байрут, “Дорул кутубил арабий”, 1405 х/с.

31. Роғиб Асфоҳоний. Муҳозоротул удабо. Байрут, “Дору мактабатил ҳаят”.

32. Саъдий. Гулистон. “Мактабату ҳаққония” (Нақиб Аҳмад таҳқиқи).

33. “Рисолаи азиза” – “Саботул ожизийн” шарҳи. Тошкент, А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000 йил.

34. Ибн Ҳишом. Ас сийратун набавийя. Миср, 1375 х/с.

35. Субкий. “Табақот”. “Дорун нашри ват тавзиъ”, 1413 х/с.

36. Ибн Ҳамдун. Ат тазкиратул Ҳамдуния. 1987 йил.

37. Имом Заҳабий. Сияру аъламин нубало. Байрут, Лубнон, “Муассасатур рисола”, 1417 х/с.

38. Ибн Манзур Мисрий. “Лисанул ароб”. Байрут, “Дору ихя ат турос”, 1419 х/с.

39. Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Абдулқодир Розий. Мухторус сиҳоҳ. Байрут, “Мактабату Лубнон”, 1415/1995 йил.

40. Муҳаммад Ғаззолий. Ал-ҳадиъа. Миср, “Дору наҳза”.

41. Исмоил ибн Уббод. Ал-муҳит фил луға. Байрут, Лубнон, “Оламул кутуб Лубнон”. 1994 йил.

42. Абу Мансур Муҳаммад Азҳарий. Таҳзибул луғот. Миср, “Муассасатул мисрийя” 1384 ҳ/с.

43. Иброҳим Мустафо. Ал-мўъжам ал-васит. Байрут. “Дару ихъут туросил аробий”.

44. Усома Саййид Маҳмуд Азҳарий. Алҳаққул мубин фир роди ала ман талаъаба бид дин. “Дорул фақиҳ” нашриёти, 2015 йил.

45. Абу Усмон Умар ибн Баҳр Жоҳиз. Ал ҳанин илал автон. Байрут, Лубнон, “Дорур роидил арабий”, 1982 йил.

46. Хайруддин Зириклий. Ал-аълум. Байрут, “Дорул илм лил малайин”, 1992 йил.

47. Имом Замахшарий. Робибул аброр. Бағдод, “Ал оний”, 1976 йил.

48. Шорасул Зуннун. “Оз-оз ўрганиб доно бўлур” китоби. (Донишмандлар бисотидан ҳикоялар, ўғитлар, ҳикмат-

лар) Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1988 йил.

49. М. Матмурадова. Ўзбекистон – Ватаним маним. Тошкент, 2009 йил.

50. Муаллифлар жамоаси. “Ислом маърифати: аслият ва талқин (Ўқув-услубий қўлланма). Тошкент, “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011 йил.

51. Муаллифлар гуруҳи. Ан-наъим (арабча-ўзбекча луғат). Тошкент, А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003 йил.

Фойдаланилган сайтлар

1. Muslim.uz
2. Siyrat.uz
3. Ziyo.uz

МУНДАРИЖА

Муқаддима	5
-----------------	---

БИРИНЧИ БОБ

БАТАН ҲАҚИДАГИ ТУШУНЧА ВА БАТАНГА БЎЛГАН МУҲАББАТ

“Ватан” сўзининг луғавий маъноси	11
“Ватан” сўзининг истилоҳдаги маъноси	12
Муҳаббатнинг таърифи	13
Қуръони каримда Ватан тушунчаси	14
Ҳадиси шарифда Ватан тушунчаси	23
Ватанни севиш ва унга ошиқишнинг ҳукми	29
Далиллар	29
Пайғамбарлар таъбирида	
Ватан тушунчаси	34
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам	
таъбирларида Ватан тушунчаси	38
Саҳобалар таъбирида Ватан тушунчаси	44
Билиш муҳим!	48
Фақиҳлар таъбирида Ватан тушунчаси	48
Авлиёлар таъбирида Ватан тушунчаси	50
Ислом уламолари таъбирида	
Ватан тушунчаси	55
Замондош уламолар	58

Дунё олимлари таъбирида	
Ватан тушунчаси	63
Ҳукамоларнинг	
Ватан ҳақида айтган гаплари.....	71
Подшоҳлар таъбирида	
Ватан тушунчаси	76
Ватан тушунчаси	
адиб ва шоирлар таъбирида	77
Жоним Ватан	78
Ибн Румий Ватан ҳақида.....	81
Ватанни севиш ҳақида қасида	83
Табиблар таъбирида Ватан тушунчаси.....	84
Аёллар таъбирида Ватан тушунчаси	88
Сахро одамлари таъбирида	
Ватан тушунчаси	90
Дунё халқлари Ватан ҳақида	91

ИККИНЧИ БОБ

ВАТАН МУҲАББАТИ ИЖТИМОИЙ ТАЛҚИНДА

Ватан остонадан бошланади	94
Ватанга муҳаббат нозик туйғудир	95
Ватан фақат инсонга хосми?	99
Юрт ривожига барча дахлдор	108
Ватан учун нима қилдик?	109
Ватанга хизмат – олий ҳиммат.....	111
Ватаннинг қандай ҳақлари бор?	113
Ватанга тегишли осори	

атиқалар ардоқланади.....	115
Ватан номи улуғдир!.....	117
Билиб қўйган яхши!.....	118
Туз ҳақи (<i>Ибратли ҳикоя</i>).....	118
Ватаннинг ёмони бўлмас!.....	121
Юртингизга Худо назар қилган.....	123
Ватан ҳақида ёзилган китоб ва рисоалар..	124
Ватан ва ватанпарварлик ҳақида ўзбек халқ мақоллари.....	125

УЧИНЧИ БОБ

ВАТАН ҲИМОЯСИ – ОЛИЙ ФАЗИЛАТ

Далил ва ҳужжатлар	130
Ҳикматлар	133

ТҶРТИНЧИ БОБ

ВАТАНГА ХИЁНАТ – ОҒИР ЖИНОЯТ

Хиёнат қилиш катта гуноҳдир	138
Ватанга хиёнат – оғир жиноят	140
Ҳикмат	140
Тарихдан намуна	141
Ватанга хиёнат	144
Ватанга хиёнат ва душманлик қилиш мумкин эмас!	147
Фойдаланилган адабиётлар.....	149
Фойдаланилган сайтлар.....	154

ҚАЙДЛАР УЧУН

Муфтий
Нуриддин домла Холиқназаров

ИСЛОМДА ВАТАН ТУШУНЧАСИ

Муҳаррирлар:
Бобомурод ЭРАЛИ
Толибжон НИЗОМ
Даврон НУРМУҲАММАД

Мусахҳиҳ:
Нилуфар АБДУРАҲМОНОВА

Дизайнер ва саҳифаловчи:
Равшан МАЛИКОВ

Нашриёт лицензия рақами:

4555-535f-1ecd-eb6a-8a83-0410-7703 2020-07-27

Босишга 2022 йил 28 апрелда рухсат этилди.

Қоғоз бичими 84 x 108 1/32. Нашр табағи: 3.10

Шартли б. т.: 8,4. Офсет босма усули.

Адади: 5000 нусха. 145-сон буюртма.

“Shamsuddinxon Boboxonov” НМИУ.

Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳри,

Зарқайнар 18-берк кўча, 47-«а» уй.

Электрон почта: m-nashr@mail.ru.

Тел: (8-371) 227-34-30